

Ойлик

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,
Махсус сон

Шанба, 16-Апрель 2015 й | 27-Жумадис сони 1436 й. | Тонг: 4:12 Кундуз: 5:43 Пешин: 12:23 Аср: 17:04 Шом: 19:04 Хуфтон: 20:24 10:02:44

ISLOM.UZ

САЙТ БОСИМ | АҚИДА | ФАЙХ | ТАЪЗИЯ | ЖАМИЯТ | КУТУБХОНА | ТАНИШОЛАР | ХИЖМАТЛАР | ДАРСЛАР | БУКОВС | ШАРТЛАР

Янги мақолалар

- Улимга тайёрликми?
- 111 "Хислатли ҳикमतлар шарҳи" 5-жузи нашр этилди
- 110 "Хислатли ҳикमतлар шарҳи" 4-жузи нашр этилди
- "Муқаммал саодат йўли" қайта нашр этилди
- 200 дақиқа Бетул
- Ҳақийқат ҳикमतлар
- Гуноҳларнинг асллари
- Усома ибн Заъд
- Аллоҳ учун не қилдинг?
- Дунёда маърифатга аҳл бўлган охиракда қим маърифатга аҳл бўлади

НАМОЗ ЭНГ УАҒУ ИБОАТ
МУСАММИН ПИРЎЗАВЗОРИНИ ДИНИ ҚИТЎВИ

Ҳазратим

БОБУРНИНГ 1525 ЙИЛИ ИМЗОЛАГАН ФАРМОНИ

ЗУЛМАТ САЛТАНАТИ

Android дастурлар

HILAL
Библиотека исламских книг
Шайхо Муҳаммад Саъид Мухаммад Юсуф
www.hilal.ru.com

Available on the App Store
Hilal Reader
Для iPad, iPhone - pdf, audio(mp3)

Куп ўқилган мақолалар

- Жинсий яратилган одоблари ҳақида
- Кичиратинча ва Улаш
- Биринчи хотиндан сир тутган ҳолда иккинчи хотинга уйланиш мумкинми?
- Закоат унсублари
- Турли оғзона ва кафлафода сотиладиган тасвирларнинг ҳалоллиги
- E-322 моддаси
- Чўча ғишти ва саломатлик
- Топ шим қийинчи ҳақида

101 йилмон келтирганлар! Сизлардан қим диндан қайтса, Аллоҳ албатта Уни севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмини келтиради. Улар кўминларга холисор, қоғирларга қаттиққўдирлар. Аллоҳ йўлида жомуд қилгани ва қиломачанини маълуматдан ёришманлар. Бу Аллоҳнинг фаъли бўлиб, хоулаган одамга беради. Аллоҳ фаъли-жарам кенг ва билувчи Зотдир! **ДАВОНИ...**

СўНГТИ МАЪЛУМОТЛАР | Залворли мусибат

Muslimaat.uz
Муслималар саҳифаси

БОШ САҲИФА | ИБОДАТ | МУСЛИМА | ОИЛА ВА ЖАМИЯТ | БЕКАЖОН | ФАРЗАНД

Тонг: 3:38 Кундуз: Сешанба, 12-...

QURAN.UZ

БОШ САҲИФА | ТАЪЗИЯ | ҚУРЪОН ҚАРИМ | ТАВСИР | ТАҚВИЯ | ҚИРОАТ | ВИДЕО | АУДИО | ФУРОН | САЙТ ХАБИРСИ

Қуръоннинг ҳақиқатлари

Қуръоннинг ҳақиқатлари

Қуръоннинг ҳақиқатлари

Қуръоннинг ҳақиқатлари

Қуръоннинг ҳақиқатлари

Қуръоннинг ҳақиқатлари

FIQH.UZ | Ёшлар савоби | Фейх | Имомат | Оила ва турмуш

БИНОТ ВАҚТЛАРИ
2015 йил 12-май
Шайхо Муҳаммад Саъид Мухаммад Юсуф

НОС ЧЕКУВЧИ ИМОМ

Шом мадрасаси

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1	1:55	5:23	12:20	17:20	19:20	20:50														
2	2:40	5:18	12:20	17:20	19:20	20:50														
3	1:44	5:18	12:20	17:20	19:20	20:50														
4	1:47	5:17	12:20	17:20	19:20	20:50														
5	1:46	5:16	12:20	17:24	19:24	20:54														
6	1:46	5:16	12:20	17:24	19:24	20:54														

siyrat.uz | Ҳақиқатчи оғирлар, соғибона қилма ёки Қошиқ Чоғири билан қилган сай

Шанба, 12-Май 2015 й | 24-Рабил 1436 й. | Тонг: 3:08 Кундуз: 5:08 Пешин: 12:19 Аср: 17:21 Шом: 19:33 Ҳуфтон: 21:01 15:06:04


БОШ САҲИФА | САЙТГА ХАБИРСИ | КУТУБХОНА | САЙТГА ХАБИРСИ | ВИДЕО | АУДИО | ФУРОН | САЙТГА ХАБИРСИ | ХИЖМАТЛАР

РАСУЛУЛЛОҲ (СОЛМАҚҚУ ОҚИДИ ФАССОЛИ) ВА АҲЛИ БАЙТ

2,462 Таълиқлар

1014 Алоҳ

6083 Таълиқлар



**«ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ
ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:**

*Муяссар Қаямова
Гўзал Дадамўхамедова
Ирода Аҳмедова
Назокат Қосимова
Дилафруз Юсупова
Одинахон Муҳаммад Юсуф
Гулнода Мўминова
Зарнигор Аҳмадалиева
Умму Муҳаммад Билал*



Дизайнер Равшан Маликов



Электрон манзил: muslimalar1@gmail.com



ҲОЖИ ОНАНИНГ ТАБРИКЛАРИ 7

**ДАМАШҚДАН ТОШКЕНТГА
МАКТУБ** 12

**ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ
ҲАЗРАТЛАРИ ОИЛАДА** 13

**ISLOM.UZ ПОРТАЛИНИНГ
10 ЙИЛЛИГИ** 21

**ISLOM.UZНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН
ПОРТАЛ ХОДИМЛАРИ ВА
ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАБРИКНОМА** 23

**БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ
БОШЛАНИШИ** 24

**БИЗ СЕНГА ИШОНАМИЗ,
ISLOM.UZ!** 28

МУСЛИМАЛАР ФОРУМИДАН... 32



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Бизларни мусулмон қилиб яратган Аллоҳ Ҳақ субҳанаҳу ва таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.

Биз умматлари бўлмиш саййидимиз Муҳаммад Мустафога салавоту саломларимиз бўлсин.

Ушбу муборак ўлкаларда дунёга келиб, унда униб-ўсганимиз учун Аллоҳга шукроналар айтаман.

Буюк алломалар авлодидан бўлганимиз учун Роббимга шукроналар айтаман.

Ҳозирги замонда маърифат осмонида юлдуздек порлаб, ўз нурини таратиб турган буюк олим Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари учун Парвардигоримизга ҳамду санолар айтаман.

У кишини бизга раҳбар қилгани учун, бизни у кишига шогирд қилгани учун Аллоҳ таолога жалолига яраша чексиз ҳамдлар бўлсин.

Кўплаб хайр ва баракага сабаб бўлаётган бу порталнинг ходимаси бўлиш бахтига етишганимга шукрлар қиламан.

islom.uz порталининг фаолиятига ўн йил тўлганлиги муносабати ила Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларини, Исмоил Муҳаммад Содик ўғлини, Абу Муслим устозимизни ва барча портал ходимларини ҳамда мухлисларини чин кўнгилдан муборакбод этаман.

Аллоҳ учун бўлган амал бардавом ва барқарор бўлур, иншааллоҳ. Бу хизматлар ёлғиз Ўзининг розилиги учун бўлишини ва Ўзи даргоҳида хусни мақбул айлашини Яратганимиздан сўраб қоламан.

Ҳазратимиз яна узоқ йиллар хайрли ишларга бош бўлиб юрсинлар. Исмоил Муҳаммад Содикни ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳамиша дин хизматига муваффақ қилиб қўйсин. Абу Муслим устозимизнинг ишларига Аллоҳ таоло янада ривож берсин.

Роббим барчаларини ҳифзу ҳимоясида асра-син.

*«Омина» электрон
журналининг бош муҳаррири
Одинахон Муҳаммад Юсуф*

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Ўзининг мукамал дини Ислом орқали биз аёл зотини улуғлаган, аёлларимиз орасида илм-маърифат зиёсини таратишдек буюк ва шарафли хизматга муяссар қилган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога чексиз ва Ўзи билган ададича ҳамду санолар бўлсин.

Қуръон ва Суннатга мувофиқ ҳаёт кечиришни ўргатган Ҳабибимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дуруду салаотлар бўлсин.


Мана, «Омина» электрон журналининг ҳам виртуал оламга чиққанига бир йилдан ошди. Ўтган вақт мобайнида ушбу журнал ўзининг кўп сонли мухлисларига эга бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

«Омина» электрон журнали ҳам islom.uz портали фаолиятининг қирраларидан бири ҳисобланади. Биз muslima.uz сайти ва «Омина» электрон журналининг таҳрир ҳайъати аъзолари islom.uz порталига 10 йил тўлиши муносабати билан тўйга тўёна қилиб, журналимизнинг махсус сонини тайёрлашга қарор қилдик.

Ушбу махсус сонга портал асосчилари ҳақидаги мақолаларни, юртимизнинг кўзга кўринган, машҳур аёлларидан Мархабо Каримова ва Муножот Йўлчиеваларнинг табрикларини, islom.uz сайтида чоп этилган машҳур мақолаларни ва islom.uz портали ашаддий мухлисларининг дил изҳорларини, шунингдек, forum.islom.uz ва forum.muslimaat.uz аъзоларининг дил сўзларини жамлашга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, ушбу сон islom.uz порталига билдирилган энг гўзал ва самимий тилакларнинг гулдастаси бўлади, иншааллоҳ.

islom.uz порталининг фаолиятига ўн йил тўлганлиги муносабати билан порталнинг кўп сонли ходим ва ходималарини, мухлисларини чин қалбдан муборакбод этамиз. Ислом нури ва зиёсини таратиш йўлида қилаётган хизматларида Аллоҳ аzza ва жалла ҳамиша мададкор бўлсин. Хайр ва баракаларга, бундан-да юксак мартабаларга эришишда Аллоҳ таоло Ўзи ёрдамчи бўлсин. Яна кўп йиллар динимиз йўлида хизмат қилишни насиб этсин. Омин.

«Омина» электрон журналининг таҳрир ҳайъати аъзолари



«Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қойюмдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Униқидир. Унинг ҳузурда Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. У Зот уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсани ихота қила олмаслар, Ўзи хоҳлагани мустасно. Курсиси осмонлару ерни қамраган. Уларнинг муҳофазаси Унга оғир келмас. Ва У Олийдир, Буюқдир».

Ушбу ояти кариманинг биринчи жумласида келган сифат Аллоҳ таолонинг ягоналигини ҳеч шубҳасиз, исбот қилади. Бошқа динларда пайдо бўлган нотўғри ақийдаларни ҳам тўғрилайди. Пайғамбарлардан кейин ихтилофга тушган умматлар Аллоҳнинг сифатларида ҳам ихтилоф қилишган. Мисол учун, христианлар (насоролар) Ийсо алайҳиссаломдан кейин бутунлай адашиб, Аллоҳнинг зоти ҳақида нотўғри ақийдага бордилар. Улар учлик назариясини яратиб, «Аллоҳ уч зотнинг учинчисидир», – деганлар. Бошқалар ҳам шунга ўхшаш ихтилофлар қилишган. Ислоний тасаввур бўйича эса:

«Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ».

Аллоҳ ягона, дунёда фақат Аллоҳнинг Ўзигина ибодатга сазовор Зотдир. Яъни бандалар фақат Аллоҳнинг айтганини қилиб яшамоқлари, фақат Унинг Ўзигагина банда бўлмоқлари керак. Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина итоат қилмоқлари, сиғинмоқлари, бўйсунмоқлари ва фақат Ундангина кўркмоқлари лозим. Фақат Аллоҳнинг шариати, қонун-қоидалари, дастури асосида яшамоқлари зарур.

«У Ҳайй ва Қойюмдир».

Ягона Аллоҳнинг тириклиги Ўзигагина хос алоҳида ҳаёт бўлиб, бандалар ҳаётига ўхшаш бошқа масдардан берилган эмас. Бу ҳаёт азалий ва абадийдир. Бошланиш чегараси ҳам, тугаш чегараси ҳам йўқ. Аллоҳнинг тириклиги ҳеч бир жиҳатдан бандаларнинг ҳаётига ўхшамайди.

Аллоҳнинг «қойюм»лик сифатининг маъноси – Аллоҳ таборака ва таолонинг ҳар бир нарса устида турувчи экани ва ҳар бир турувчи нарса Унинг сабабидангина туришидир. Шу билан Аллоҳнинг туриши бошқаникига ўхшамайди ва доимийдир. Бу сифат шу даражага етганки,

«Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас».

Яъни У доимо сергак, Унинг туриши бир лаҳза ҳам сусаймайди.

«Осмонлару ердаги нарсалар Униқидир».

Осмонларда нимаики бўлса, ерда нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасининг эгаси Аллоҳдир. Бу эгалик умумий бўлиб, ҳеч нарсани четда қолдирмайди. Бу эгаликни ҳеч бир нарса чегаралай олмайди.

«Унинг ҳузурда Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас».

Бу ҳам улкан сифатлардан бўлиб, Аллоҳнинг ва банданинг мақомини баён қилиб беради. Бандаларнинг барчаси, ким бўлишидан қатъи назар, Аллоҳнинг ҳузурда бандалигини тан олиб, туриб қоладилар. Бу бандаликни чуқур ҳис этиш шу даражага етганки, ҳатто ҳеч ким орага тушиб, бировга шафоатчилик қилишга ҳам журъат қила олмайди. Фақат Аллоҳ изн берганларгина, У Зот берган изн чегарасидагина шафоат қила оладилар. Бу сифат ўтган оятдаги «...ва шафоатчилик йўқ» жумласидан истисно эканини билиб оламиз. Демак, умумий қоидага биноан, шафоатчилик йўқ, аммо истисно тариқасида Аллоҳнинг изни билан баъзи кишилар шафоат қилишлари мумкин.

«У Зот уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур».


Бу сифат Аллоҳнинг илми шомил илм экани ва У Зот ҳамма нарсани Ўзининг чексиз илми билан билиб туришини билдиради. Аллоҳ таоло бандаларнинг аввал қилган ишларини ҳам, шунингдек, ҳозир қилаётган ва келажакда қиладиган ишларини ҳам билиб туради. Аллоҳ таолонинг илми чексиз ва ҳамма нарсани қамраб олган, шу жумладан, бандалари билган ва билмаган нарсаларни ҳам билади. Бандалар эса

«Унинг илмидан ҳеч нарсани ихота қила олмаслар, Ўзи хоҳлагани мустасно».

Демак, бандалар Аллоҳ билишларини хоҳлаган нарсаларнигина биладилар, холос. Инсон «Илмнинг чўққисига чикдим», деб жар солганда ҳам, фақат Аллоҳ изн берган озгина илмгагина эришган бўлади.

«Курсиси осмонлару ерни қамраган».

Одатда курси мулкка далолат қилади. Шунинг учун ушбу жумлани баъзи уламоларимиз айтганларидек, «Аллоҳнинг ҳукмронлиги осмонлару ерни қамраб олган», деб тушунсак бўлади.



Аслида эса Курси ва унга тааллуқли нарсалар, бинобарин, ушбу жумла ҳақида уламоларимиз ўзларига етган далиллар асосида бир неча хил фикрлар айтганлар.

Жумладан, баъзи уламоларимиз Курсини «илм» деганлар. Шунга биноан, мазкур жумланинг маъноси «Унинг илми осмонлару ерни камраган» бўлади.

Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху ушбу жумланинг тафсирида: «Курси луғатда «икки қадам» деган маънони англатади. Аршнинг миқдорини Аллоҳдан бошқа билмайди», – деганлар.

Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа ривоятларга асосланиб, уламоларимиз: «Курси Аршдан бошқа нарса», – деганлар.

Ибн Жарир Тобарий Абу Зарр розияллоҳу анху дан келтирган ривоятда Набий алайҳиссалом: «Аршнинг олдида Курси худди кенг ерга ташланган темир халқага ўхшайди, холос», – деганлар.

Ўтган уламоларимизнинг кўплари: «Курси Аршнинг олдида кўйиладиган поғонасимон нарсадир», – деганлар.

Шуларга биноан, ақийда бўйича мутахассис уламоларимиз: «Биз Аллоҳнинг Арши ва Курсиси борлигига иймон келтирамиз. Бу икки нарса одамларнинг арши – тахти ва курсисига ўхшамайди. У иккисининг ҳажми, кайфияти ва сифатини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Бизнинг эса уларни билишга ҳожатимиз йўқ. Агар ҳожатимиз бўлганида, Аллоҳнинг Ўзи баён қилиб берган бўларди», – дейдилар.

«Уларнинг муҳофазаси Унга оғир келмас».

Яъни Аллоҳ таоло осмонлару ерни муҳофаза қилиб, тасарруф қилишдан чарчамайди. Бу иш Унга ҳеч ҳам оғирлик қилмайди. Бу сифат Аллоҳнинг қудрати комил ва чексиз эканини кўрсатади.

«Ва У Олийдир, Буюқдир».

Аллоҳ ҳамма нарсадан юқори ва олийдир, Аллоҳ ҳамма нарсадан улуғдир.

Имом Муслим ва имом Аҳмадлар Убай ибн Каъб розияллоҳу анху дан ривоят қилган ҳадисда Аллоҳнинг Китобидаги энг улуғ оят Курси ояти эканини таъкидланган.

Имом Насайй Абу Умомадан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом:

«Ким ҳар фарз намоздан кейин «Курси ояти»ни ўқиса, унинг жаннатга киришини фақат ўлим тўсиб туради, холос», – деганлар. Яъни бу «Ўлмагани учунгина жаннатга кирмайди, агар вафот этса, уни жаннатдан тўсадиган ҳеч нарса қолмайди», деганидир.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анху дан куйидаги ҳадисани ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Рамазон закотини сақлашга вакил қилдилар. Биров

келиб, тўпланган егуликдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни ушлаб:

– Ҳозир сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бораман, – дедим. У:

– Мени кўйиб юбор, бола-чақам бор, жуда ҳам муҳтожман, – деди. Уни кўйиб юбордим. Тонг отганда Набий алайҳиссалом:

– Ҳой Абу Ҳурайра! Кечаги асиринг нима қилди? – дедилар. Мен:

– Эй Аллоҳнинг Расули, жуда ҳам муҳтожлигидан, бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, кўйиб юбордим, – дедим. У киши алайҳиссалом:

– Сенга ёлғон гапирган бўлиб, қайтиб келса-чи? – дедилар. Набий алайҳиссаломнинг «қайтиб келса-чи», – деганларидан унинг яна келишини билдим ва пойлаб турдим. У келиб, яна егуликдан ҳовучлаб ола бошлади. Уни тутиб олдим ва:

– Сени Расулуллоҳнинг олдиларига олиб бораман, – дедим. У:

– Мени кўйиб юбор, бола-чақам бор, жуда ҳам муҳтожман, – деди. Раҳмим келиб, уни кўйиб юбордим. Тонг отганда, Набий алайҳиссалом:

– Ҳой Абу Ҳурайра, кечаги асиринг нима қилди? – дедилар. Мен:

– Эй Аллоҳнинг Расули, жуда ҳам муҳтожлигидан, бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилган эди, раҳмим келиб, кўйиб юбордим, – дедим. У киши алайҳиссалом:

– Сенга ёлғон гапирган бўлиб, қайтиб келса-чи? – дедилар. Учинчи марта пойлаб туриб, яна ушлаб олдим ва:

– Энди уч марта бўлди, сени Расулуллоҳнинг ҳузурларига албатта олиб бораман. Ҳар сафар «Қайтиб келмайман», – деб, яна келасан, – дедим. У:

– Мени кўйиб юборсанг, Аллоҳ сенга манфаат берадиган сўзларни ўргатиб қўяман, – деди. Мен:

– Улар қандай сўзлар? – дедим. У:

– Кўрпангга кириб ётганингда «Курси ояти»ни ўқисанг, Аллоҳ тарафидан сени кўриқчи кўриб турадиган бўлади. Тонг отгунча сенга шайтон яқинлашмайди, – деди. Эртасига Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Ўзи ёлғончи бўлса ҳам, сенга рост гапирибди, – дедилар ва: – Уч кундан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми, эй Абу Ҳурайра? – дедилар. Мен:

– Йўқ, – деган эдим, у киши алайҳиссалом:

– Ўша шайтондир, – дедилар».

*Бақара сураси, 255-оят
«Тафсири ҳилол»дан.*

ҲОЖИ ОНАНИНГ ТАБРИКЛАРИ

Зиё ва маърифатга йўғрилган сайт иши давомли бўлсин...

Ушбу файзли кунларда мен islom.uz соҳибларининг, портал хизматчиларининг хонадонида яшаётган бир одам сифатида уларни табрикламоқчиман. Кечасими, кундузими, қачон йиғилиб қолишса, хоҳ Ҳазрат билан мулоқот, хоҳ islom.uzга алоқаси бор бошқа кишилар билан суҳбат бўлсин, гоҳида уларнинг сайт ҳақида, Исломоламидаги янгиликлар хусусида ўртоқлашаётганларига, гоҳида эса islom.uzда амалга ошира олмаётган баъзи ишлари ҳақида қайғураётганларига гувоҳ бўламиз.

Сайтни тайёрлаб, ўқувчиларга етказиш жараёнидаги ўзига хос қийинчиликлардан бевосита бўлмаса ҳам, гоҳ-гоҳида хабардор бўлиб турамиз. Лекин кўп минг сонли мухлислар, ўқувчилар қаторида islom.uz саҳифаларидаги маълумотлардан фойдаланаман, улар билан қизиқаман. Ушбу сайт очилганидан буён islom.uz ходимларининг ҳоллари, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан танишман. Улар билан елкама-елка доим биргаман. Уларнинг тинимсиз изланишлари, мана шу эзгу ишга қанчалик айғуриш билан зларини бағишлаб, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, барчалари астойдил меҳнат қилишади.

Албатта, бундай нарсалар ўз-ўзидан бўлмайди. Яхши ният билан амалга оширилган улуғ ишларнинг эса фойдаси

ҳам ниятга яраша улуғ бўлади. Ҳозирги кунда китоб ҳам сайт, ахборот ҳам сайт, устоз ҳам сайт. Авваллари бирор маълумот олмоқчи бўлсангиз ёки бир илмни ўрганмоқчи бўлсак, газета-журналларга, китобларга мурожаат қилар эдик. Ҳозир эса ҳаммаси бир ерда жамлангани, унда диний илмлар ҳам, дунёвий илмлар ҳам мужассамлиги ниҳоятда қувонарли ҳолдир.

Олдиларига эзгу мақсадларни кўйиб, бу йўлда хормай-толмай меҳнат қилаётган сайт ходимларига Аллоҳ таолодан сихат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайман. Мазкур сайтнинг фаолияти узоқ йилларгача бардавом бўлсин. Инсонларнинг диний билимларини оширишда, динга бўлган муҳаббатларини кучайтиришда, уларнинг қалбларидаги саволларига жавоб беришда ҳамда яна бир қанча зиё ва маърифат нури ила йўғрилган фаолиятларида муваффақиятлар тилайман.

Islom.uz сайтининг марғуб ишлари давомли бўлсин, ўйлаганимиздан ҳам чиройли натижаларга эришсин. Яна кўп йиллар давомида халқнинг севимли сайти, мусулмонлар билан бирга яшайдиган яқин ҳамроҳи бўлишини тилаб қоламан.

Islom.uz сайтидан олинди.

Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир кишининг ният қилган нарсаси бўлади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлади. Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, унга эришади. Ёки аёл учун бўлса, уни никоҳлаб олади. Бас, унинг ҳижрати нима учун қилинган бўлса, ўшанга бўлади», дедилар».

Бешовлари ривоят қилинган.

Бу ҳадиси шариф ҳазрати Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинмоқда. У киши билан «Муқаддима»да танишиб ўтганмиз.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ҳадисларида ниҳоятда қисқа иборалар билан бир олам маънони баён этганлар. Шунинг учун ҳам уламоларимиз бу ҳадиси шарифни алоҳида эътибор билан, ўрганиб чиққанлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоху анху:

«Илмнинг учдан бири шу ҳадисда», деган эканлар.

Чунки, банданинг савоб касб қилиши уч нарсаси – дил, тил ва бадан орқали бўлади. Бу ҳадисда дил орқали бўладиган нарса тўла баён қилинган. Қолаверса, дин ички ва ташқи амаллардан иборат. Ният ички амал ҳисобланиб, қалб билан бўлади.

Имом Шофеъий раҳматуллоху алайҳи эса:

«Илмнинг ярми шу ҳадисда», деган эканлар.

Имом Абу Довуд раҳматуллоҳи алайҳи эса:

«Бу ҳадис Исломининг мадори бўлган ҳадислардандир. Инсоннинг дини учун тўртта ҳадис кифоя:

1. «Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир».
2. «Бирортангиз токи ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам яхши кўрмагунча мўмин бўла олмайди».
3. «Киши Исломининг гўзал бўлиши ўзи учун беҳуда нарсаларни тарк қилишидадир».
4. «Албатта, ҳалол очик-ойдиндир, ҳаром очик-ойдиндир», ҳадисларидир», деган эканлар.

Бу ҳадиси шариф муҳаддислар ва бошқа уламолар ичида «Умму Қайснинг муҳожирини ҳадиси» номи билан машҳур. Ҳадиснинг бундоқ ном олиши бежиз эмас. Умму Қайс исмли маккалик муслима аёлга бир киши уйланмоқчи бўлган экан. Умму Қайс: «Мен Мадинага ҳижрат қилиб кетмоқдаман. Сен ҳам мусулмон бўлиб орқамдан Мадинага борсанг, сенга тегаман», дебди.


Ҳалиги одам ўн кун йўл юриб, Маккадан Мадинага келибди. Умму Қайсни излаб топиб, ўз ниятини яна айтибди. Шартни амалга оширгани учун Умму Қайс ҳам рози бўлиб, оила қурибдилар.

Маълумки, ҳижрат улуғ мақом. Дину диёнат учун ҳижрат қилган одамга улкан мартабалар ваъда қилинган. Аммо бу одам бир аёлга уйланиш учун ўн кун йўл юриб, Маккадан Мадинага келди. Агар Умму Қайсга уйланиш нияти бўлмаса, келмоқчи эмас эди. Энди бу одамга ҳам муҳожирлик мартабаси бўладими? Мана шу нарсалар саҳобаи киромлар томонидан Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан сўралганда, У зот соллаллоху алайҳи васаллам юқоридаги ҳадисни айтганлар.

Энди ҳадиси шарифни батафсил ўрганиб чиқайлик:

«Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир».

Яъни, ҳар бир амал ниятга қараб баҳоланади. У тил билан бажараладиган амалми, бадан билан адо этиладиганми, фарзми, вожибми, суннатми, нафлми, ишқилиб, ҳаммасининг тўғри бўлиши



ниятга боғлиқ. Шариат ҳукми бўйича ният қилинмай адо этилган амал қабул ҳисобланмайди.

«Албатта, ҳар бир кишининг ният қилган нарсаси бўлади».

Нимани ният қилса, ўша ниятидаги нарсага эришади. Пешин намози фарзини ўқияпман, деб ният қилса, ўша намознинг савобини олади. Нафл рўза тутаяпман, деб ният қилса, нафл рўзанинг савобини олади.

«Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлади».

«Ҳижрат» луғатда бирор нарсадан ажраш, унинг ҳижронида қолишни англатади.

Шариатда эса, Аллоҳ ва Унинг Расули розилигини тилаб, дину диёнат йўлида Маккани тарк этиб, Мадинага боришга айтилган. Кейинчалик дину диёнат йўлида ўз ватанини ташлаб, бошқа юртларга кўчиб кетиш «ҳижрат» деб атала бошлади.

Демак, Аллоҳ ва Унинг Расули учун, деган ният билан ҳижрат қилган одам ҳақиқий муҳожир бўлади. Аллоҳ таоло ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан муҳожирларга ваъда қилинган мартабаларга эришади.

«Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, унга эришади».

Молу дунё қасдида, унга эришиш ниятида ҳижрат қилган бўлса, ўшангагина эришади.

«Ёки аёл учун бўлса, уни никоҳлаб олади».

Умму Қайсни никоҳлаб олган кишига ўхшаб ниятига етади.

«Бас, унинг ҳижрати нима учун қилинган бўлса, ўшанга бўлади».

Яъни, молу дунё ва аёлдан бошқа нарсани, мисол учун, дўст орттириш, саёҳат қилиш, давлат қуришга тайёрланиш, касб ўрганиш ва яна бошқа нарсаларни ният қилган бўлса, ўша нарса учун бўлади.

Демак, ҳамма нарса ниятга боғлиқ. Амал бир хил, аммо ниятга қараб турли натижалар беради. Энди шу ҳадиси шариф айтилган даврда Маккадан Мадинага кўчиб ўтиш амалини олайлик.

Ушбу амал маълум масофани босиб ўтиб, Маккани тарк этиш ва Мадинани ватан тутиш билан бўлади. Шу ишни Аллоҳ таоло ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрганлари учун менга вожиб бўлди, Маккадан Мадинага ҳижрат қилмасам гуноҳкор бўламан, агар ҳижрат қилсам

савоб оламан, деб ҳижрат этган одам муҳожир саналади. Кўриниб турибдики, Аллоҳнинг ва Унинг Расулининг розилигини топаман, деган ният билан ҳижрат қилган одам ҳақиқий муҳожир тариқасида ажру савобга эришади. Шу билан бирга молу дунё топиши ҳам, оила қуриши ҳам мумкин.

Агар бир одам мазкур ишни фақат молу дунё топишни ният қилиб амалга оширса, молу дунё топиши мумкин, лекин муҳожирлик даражасига эриша олмайди. Муҳожирларга бериладиган ажру савобдан баҳраманд бўлмайди.

Учинчи бир киши худди шу амални Умму Қайснинг «муҳожир»ига ўхшаб, бир аёлни никоҳлаб олиш ниятида қилади. У ўша аёлни никоҳлаб олиши мумкин, лекин муҳожир бўла олмайди. Муҳожирга ваъда қилинган ажру савоб ва улуг мартабага ҳам эришмайди. Чунки у ниятни бошқа нарсага қилган.

Ушбу ҳадиси шариф ниятни тўғрилаш, яхши ният қилиш орқали кўп нарсаларга эришиш йўлини очиб бермоқда. Ниятсиз ҳеч бир ибодат тўғри бўлмаслигини баён қилмоқда. Ният билан одатдаги оддий бир иш ибодатга айланиши мумкин. Аксинча, ниятсиз ибодат ҳам одатдаги оддий ишдан фарқ қилмай қолиши мумкин.

Мисол учун, бир киши масжидда ўтирибди. Агар ўша одам дам олишни ният қилган бўлса, амали одат бўйича дам олади, савоб олмайди. Аммо, ўтиришдан эътикофни ният қилса, ҳадисда айтилгани учун қилаяпман, деган ният билан ўтирса, бу ўтириш ибодатга айланади. Унинг учун савоб олади.

Бир одам ҳаммомда ювинмоқда. Агар у ғуслни ният этиб: «Шариатимизда буюрилгани учун қилмоқдаман», деган қасд билан қилса, ибодат ўрнига ўтади. Аммо тозалик учун қилаяпман, деган ниятда бўлса, тозалikka эришади, ибодат ниятини қилмагани учун савобга эришмайди.

Шариатимиз оила қуришга амр қилган: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Никоҳ менинг суннатимдир, ким менинг суннатимга рағбат қилмаса, мендан эмас», деганлар. Шунинг учун оила қуришни ният қилдим, деган одамнинг оилавий ҳаёти ибодат бўлади. Уйланиб, шахватимни бир қондирай, деган ниятни қилган киши, ўша ниятига эришади, ажру савобнинг яқинига ҳам йўламайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарз», деганлар.

Халқимнинг, эл-юртимнинг мен ўрганадиган илмга эҳтиёжи бор, фарзи кифояни адо этишим керак, деган ният билан илм ўрганувчи киши ибодатда бўлади. Фаришталар унинг оёқлари остига қанотларини ёйиб туради. Шу одам улуг ажр ва буюк мартабаларга сазовор бўлади. Илм олсам, молу дунё топаман, мансабга эришаман, дея ният қилган одам молу дунё ва мансабга эришиши мумкин, аммо ажру савобга эга бўла олмаслиги аниқ.

Ислом шариати наздида «динимиз менга аҳли аёлимнинг нафақасини вожиб қилган, ҳалол йўл билан, ҳалол лукма топиб, аҳли аёлимга тутай» деган ният билан далада ишлаётган деҳқон, дастгоҳ олдида турган ишчи, ўз касбидан қолмаётган хунарманд, ўз вазифасини адо этаётган идора ходими ёки зиёли ибодат қилаётган бўлади. Бундан бошқа ниятни қилган одам эса, мўлжалдаги нарсасига эришиши мумкин, аммо ажру савобга етиша олмайди.

Динимизда ҳайвонларга меҳрибон бўлишга, уларни оч ва сувсиз қолдирмасликка амр қилинган, шу амрга биноан иш тутишим керак, деган ниятдаги одамнинг ҳайвонларни боқиб қараши ҳам ибодат ҳисобланади. Ўшанга яраша ажру савобини олади. Аммо мол-қўйимни яхшилаб боқсам гўшти кўп бўлади, сотиб пул қиламан, деган ниятдаги одам гўштга, молу пулга етишиши мумкин, аммо ажру савобга эришмаслиги аниқ.

Бу қондани инсон ҳаётига батамом қўллаш мумкин. Шунда киши ҳаётининг ҳар бир дақиқаси, ҳатто уйқуси ҳам ибодатга айланади. Ким хуфтон намозини ўқиғач, таҳорат билан ётиб, эрталаб туриб бомдод намозини ўқиса, кечаси билан ибодат қилиб чиққан ўрнига ўтади, деган маънодаги ҳадислар бор.

Инсон ҳалол-пок юриб, Аллоҳнинг кўрсатмаси бўйича яшаш ниятида еб-ичса, бу ҳам ибодат ҳисобланади. Ислом инсон ҳаётини диний ва дунёвий ҳаётга ажратмайди, деганимизнинг маъноси шу. Аллоҳ таоло «Мен инсу жинларни фақат Менга ибодат қилишлари учун яратдим», деганининг маъноси шу.

«Ислом дини – осонлик дини», дейилишининг маъноси ҳам шу. Исломда бошқа дин ва тузумларда одат ва зарурат ҳисобланган нарсалар осонлик

билан, биргина ниятни тузатиш билан ибодатга айланади. Исломда киши ниятни яхши қилиши билан, шариат кўрсатмасига биноан ҳалол-пок йўл тутиши билан ҳатто ўз шахватини қондириши, кийиниши, еб-ичиши ва бошқа эҳтиёжларини қондиришини ҳам осонгина ибодатга айлантира олади.

Ҳа, Ислом яхши ниятлар, яхши амаллар динидир, мусулмон киши яхши ниятли, яхши амалли инсондир. У ўз ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини, ҳар бир амалини Аллоҳга ибодатга айлантириши мумкин. Чунки инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасида Исломнинг кўрсатмаси бор.

Мусулмон шунчалар бахтли инсонки, ўша кўрсатмаларни ўрганиб, ниятини уларга мослаб яшаса, унинг оддий ҳаёти ибодатга айланади.

Мусулмон кишининг ибодатга айланмайдиган амали йўқ, унинг шахсий, оилавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, адабий ва бошқа амаллари барчаси ибодат бўлиши мумкин. Бунинг учун эса ундан кўп нарсалаб қилинмайди. Ўз динининг кўрсатмаларини ўрганиб, ниятини унга мосласа кифоя. Шу йўсинда бутун ҳаёти ибодатга айланади.

Лекин биз ўзимизга берилган ушбу улкан имкониятдан фойдаланаяпмизми? Албатта, йўқ! Кўпчилигимиз мусулмонликни даъво қилганимиз билан Ислом дини нималигини билмаймиз. Озгина билганларимиз ҳам ўша билганимизга амал қилмаймиз. Ҳатто қилган мисқолча амалларимизни ҳам Аллоҳ ва Унинг Расули учун, деб қилмаймиз.

Баъзиларимиз намоз, рўза, никоҳ ўқитиш ва жанозага ўхшаш нарсаларни диндан деб, қолган ҳамма нарсани дунёвий деб санаймиз. Мусулмон одамга намозни фарз қилган Аллоҳ ҳалол касб қилишни ҳам фарз қилганини унутамиз. Намоз фарзини адо этишни ибодат ҳисоблаймиз-у, ҳалол касб қилишни фарз ибодат ҳисобламаймиз.

Ахир бутун борлиқ Аллоҳнинг мулки эмасми? Бутун инсонлар Аллоҳнинг бандаси эмасми? Ислом Аллоҳнинг дини эмасми?

Аллоҳ Ўзи яратган борлиқда нимани хоҳласа, ўшани қиладиган Зот эмасми? Ахир У Ўзи яратган бандасига хоҳлаган амрини бергувчи Зот эмасми? Аллоҳ Ўзининг охириги дини Исломни баркамол дин қилиб, инсон ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олувчи қилган Зот эмасми?

Мусулмон одам ҳеч қачон динни ва унинг аҳкомларини, буйруқ ва қайтариқларини муҳокама қилмайди. Балки динда нима келса, ўшанга сўзсиз таслим бўлгани учун мусулмон номини олган. Мусулмон одам ўз динини пухта ўрганиб, унга тўлиқ амал қилишга ўтсагина комил мусулмон саналади.

Бунинг учун эса, киши ҳамма нарсада Аллоҳнинг ҳукми қандай эканини билиши керак бўлади.

Шунинг учун ҳам Исломни тинмай ўрганмоғимиз, ҳар бир амалимизни шариатимизга мувофиқ қилишга ҳаракат этмоғимиз лозим.

Ана шундагина ҳар бир нарсада яхши ният қила оладиган бўламиз.

Ана шундагина ҳар бир ишимизни ибодатга айлантириш имконига эга бўламиз.

Ана шундагина бутун ҳаётимизни Аллоҳга ибодат қилган ҳолда ўтказа оламиз.

«Ҳадис ва Ҳаёт»дан олинди.



ДАМАШҚДАН ТОШКЕНТГА МАКТУБ

Бутий муҳаббати ила уриб турган қалблардан нидо



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ассалому алайкум. Оламларга раҳмат қилиб юборилган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг оилалари ва саҳобалари – ҳамма ҳаммаларига салоту саломлар бўлсин!

Аммо баъд: Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу замонда Шом ерини буюк уламолар билан хослашни истади. Улар илмни ўрганиб, бутун ҳаётлари ва вақтларини даъвату таълим йўлида сарфладилар. Бирор мансаб, бойлик ёки обрўга кўз тикмадилар. Бу билан улар ер юзининг барча тарафларида иймон аҳлининг ифтихори бўлишга эришдилар.

Ана шундай уламолардан бири шайхимиз, имомимиз, хабибимиз Доктор Муҳаммад Саъийд Рамазон Бутий раҳимаҳуллоҳу таоло эдилар. Иймон ва тақво хонадониди дунёга келган бу зот, ўзимиз билгандек, Аллоҳ азза ва жалланинг тоатида ўсиб улғайган эдилар. Ҳаётларининг илк дамларидан бошлаб ўзларини илмга бағишладилар. У киши том маънода иқтидор соҳиби эдилар.

Саъийд Рамазон Бутий ҳазратлари илм ва даъват йўлидаги азму ҳимматларининг буюклиги ила барчанинг эътиборини қозонган эдилар. У кишининг таъсир доиралари ва даъватлари фақат Сурия, Шом ёки араб ўлкаларида чекланиб қолмади, балки бутун жаҳонни камраб олди. Биз у кишининг Европа парламентларида инсонларга Исломни танитиб, унга даъват этиб, хутба қилаётганларини кўрар эдик. Ёши улғайиб қолгани, чарчаб қолганига қарамай, шарқу ғарб бўйлаб бор кучи

билан дарс ва маърузалар тақдим қилаётганига гувоҳ бўлардик, Осиё, Европа ва бошқа юртлардаги муфтийлару уламолар билан доимий алоқада, боғланиб туришларини эшитардик.

Шайх севадиган халқлардан бири Ўзбекистон аҳли эди. Бу ажойиб юрт асрлар давомида Ислом оламига ўз таъсирини кўрсатиб келгандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари сақланиб келишида энг катта восита бўлган зотлардан бири имомимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Бухорий ҳам шу юртдан чиққан. Бу ўлкадан имом Термизий, Нақшбандий каби диннинг ҳаётимизда сақланиб қолишида, унда собитқадам бўлишимизда ўзларининг буюк ҳиссаларини қўшган кўплаб алломалар чиққан.

Ўзбекистонликлар ҳозирги замонда ҳам ўзларининг вафодор, меҳр муҳаббатли ва шарафли халқ эканликларини кўрсатдилар. Бундан олти ой муқаддам шайх Бутий раҳимаҳуллоҳ шаҳид бўлганларида, у кишининг фироғига энг кўп маҳзун бўлганлардан бўлдилар. Гўё улар шайх Бутий билан бирга яшагандек. Улар Қуръони Карим хатмларини бошлаб юборишди. У кишига ва тутган йўлларига вафою муҳаббат изҳори ўлароқ ҳамда келажакда Аллоҳ у кишининг раббоний муҳаммадий йўлида юрадиган авлодларни чиқариши умидида кетма кет юзлаб хатмларни ўқишди.

Бугун фазилатли Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф жанобларига қарашли бўлган исломий электрон сайтларнинг ишга тушганига ўн йил тўлгани муносабати билан биз, Бутий ҳазратларининг шогирдлари сайт ходимлари ва Ўзбекистондаги барча севикли дўстларимизни ушбу муносабат билан муборакбод этиб, ўз табрикларимизни тақдим қиламиз. Аллоҳдан уларнинг даъват ва хайр йўлида собитқадам бўлишларини сўраб дуо қиламиз.

Аллоҳ азза ва жалладан бу амаллар холис Ўзининг мукаррам Юзи учун бўлишини, келажакда муборак авлод тарбиялашда асос бўлишини сўраймиз. Яна бир марта айтамиз. Биз Дамашқдан туриб, Тошкентга, бутун дунёга хитоб қиламиз: Қуръон йўлида, Раҳмон муҳаббати билан, Саййидул анъомнинг суннатларига мувофиқ яшаган бу Имом – шайх Бутийнинг муҳаббати билан урадиган қалблар бўламиз!

«Санабқо маъал Бутий» («Бутий билан қоламиз») саҳифаси, шайх Бутий шогирдлари. Islom.uz сайтидан олинди.

Азизлар! Бу мактуб бошларига мусибат тушиб турган аҳли иймонлардан келди. Ўқиганлардан уларнинг ҳақларига дуо қилиб туришларини сўраб қоламиз.

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ ҲАЗРАТЛАРИ ОИЛАДА

Фазилатли шайх ҳазратлари инсонларга буюк олим, мухтарам устоз сифатида танилганлар. Албатта, бундай таниқли инсоннинг оилаларига бўлган муносабатларини билишни истаганлар кўп. Бу истак айниқса аёлларимизда кучлидир. Шайх ҳазратларининг оиладаги ҳолатларига назар ташлайдиган бўлсак, айти суннат соҳиби, бошқаларга шаръий намуна эканликларининг гувоҳи бўламиз.

Фарзанд сифатида ҳазрат ўта итоатли ўғил бўлганлар. Ота-оналари у кишидан ҳеч қачон шикоят қилмаганлар. Ота-оналарига нисбатан одоблари ва эҳтиромлари жуда юксак эди. Ҳазратимиз ҳадиси шарифда: **«Қачонки одам боласи ўлса, амали кесилади. Магар уч нарсадан: жорий садақадан, манфаат оладиган илмдан ёки унинг ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзанддан кесилмайди»**, деб зикр қилинган фарзанд мисолидадирлар.

Ҳазратнинг волидалари Собирахон онага (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин) нисбатан муҳаббатлари ва ҳурматлари чексиз эди. Гурбатда юрганларида онаизорларининг дийдорларига тўя олмай, жудо бўлганлар ва бу жудоликни оғир кечирганлар. У кишининг қайғуларига Каъба-туллоҳнинг деворлари тасалли бўлган. Волидаларининг вафотигача соч-соқолларига бирорта оқ тушмаган эди. Бу оғир жудоликдан кейин тезда соч-соқолларига оқ оралай бошлади. У киши волидаларига атаб марсия ёзганлар.

Ҳазратнинг битта укалари ва битта сингиллари бор. Ҳазрат уларни ҳеч қачон «сен» демаганлар. Икковларига доим ғамхўрлик қиладилар, жиянларини ўз фарзандларидек кўрадилар.

Шайх ҳазратлари ўзларининг устозлари Исмоил Махдум Сотти Охун ўғлига куёв бўлганлар. Ҳам устозлари, ҳам қайноталари бўлмиш Исмоил Махдум отани ниҳоятда ҳурмат қилганлар. У кишининг сўнги нафасларигача хизматларида бўлганлар. Устозлари вафот этганларида,



ёлғиз ўзлари марҳум билан қолиб, кечаси билан у кишидан айрилмаганлар.

Суннатга мувофиқ қайта-қайта «Аллоҳумма ажирни фи мусибати вахлуфни хойром минҳа»-ни ўқийдилар. Бу айрилиқдан кейин уч ой ўтиб, Аллоҳ у кишига ўғил фарзанд беради ва унга устозларининг исмини кўядилар.

Ҳазрат қайноналарини ҳам ўз оналаридек кўрганлар. Оналари ва қайноналарига ҳар доим бир хил ҳадялар олганлар. Ҳозирда ҳам тез-тез қайноналарининг зиёратларига борадилар. Қайноналари ҳазратни ўзларининг ўғилларидан ҳам зиёда кўрадилар ва ҳақларига кечаю кундуз дуо қиладилар.

Ҳазратнинг рафиқалари Фотимахон ҳожи она келинчақлик пайтларида аввал Бухорода, сўнгра Тошкентда талаба бўлиб ўқиган умр йўлдошини уйда қолиб кутиб яшадилар. Тўнғич ўғиллари туғилганидан кейин талаба илм олишни давом эттиргани Либияга қараб жўнаб кетдилар. У ерда тўрт йил давомида таҳсил олдилар. Шу вақт мобайнида сўзларининг дуру гавҳарини йиғиб, рафиқаларига мактублар битдилар. «Ҳаётимнинг энг оғир ва қийин дамларида мана шу мактублар менга далда ва тасалли бўлган», дея эслайдилар ҳожи она. У киши бу мактубларни сандиқчага солиб, ҳалигача сақлайдилар.

Ҳазрат оилада адолатли, меҳрибон ва ғамхўрдирлар. Ёшлик чоғларида баъзида аҳлларига уй юмушларида ҳам кўмаклашганлар. У киши ҳожи онани ниҳоятда ҳурмат қиладилар, ҳар бир ишда маслаҳатлашадилар, ҳожи онанинг ҳар бир сўзларини инобатга оладилар. Аёл киши яхши гапнинг гадоси, дейишади. Ҳазрат ўз рафиқаларидан яхши гапни ҳеч қачон аямайдилар. Ҳар бир қилган амаллари учун эринмай таҳсинлар айтадилар. Вақти-вақти билан эркалаб, мақтаб ҳам турадилар.

Ҳасислик мазамматли сифат бўлиб, айниқса аёллар эркакдаги бу сифатни жуда ёмон кўришади. Бу табиий ҳолат, чунки аёл эрга қарамдир. Ҳазрат сахийлик маъносида ҳам ҳаммага ўрнақдирлар. Аҳлларини бир нарсага зориқтириш у ёқда турсин, ҳаётда бирор марта тақдим этган нарсаларини миннат ҳам қилмаганлар. Чунки бу ишни у киши Аллоҳ учун қилганлар, бу ишни эр кишининг вазифаси деб, уни гапириб, миннат қилишни эса ор деб билганлар.

Ҳазратнинг рафиқаларига бўлган юксак эҳтиромларини бошқалар ҳам яхши билишади. Ҳазрат одамларга ҳам ҳожи она ҳақларида доим яхши гапларни айтадилар, ўзларининг у кишига бўлган меҳрлари ва ҳурмат-эътиборларини ҳеч яширмайдилар.

Хизмат сафарларига кўпинча рафиқаларини ўзлари билан олиб кетадилар ва у ердаги муҳтарам инсонларга у кишини таништирадилар. Эринмай ҳожи онанинг саъй-ҳаракатлари ва фаолиятларини гапириб берадилар.

Фарзандларига келсак, уларни ҳеч қачон урмаганлар, уларга қаттиқ гапирмаганлар. Уларга

нисбатан энг катта жазолари – гапирмай қўйиш бўлган, холос. Ўғиллари Исмоилжонни кичиклик пайтида «тойчоқ» деб эркалар эдилар. Ёлғизгина ўғиллари Исмоилжон у кишининг ўнг қўлларидир. Ҳамма ишларини шу ўғиллари билан маслаҳат қиладилар ва айни пайтда сирдошлари ҳам шу кишидир.

Қизларига нисбатан ҳам жуда латиф муомалада бўладилар. Уларни эъзозлаб, уларга алоҳида эътибор берадилар. Одинахон қизлари туғилганида, у киши Либияда таҳсилда эдилар. Бу хабарни эшитиб, жуда хурсанд бўлганлар ва ўша ердаги талабаларга дарров ақиқа маросими қилиб берганлар. Жажжи чақалоққа атаб мактуб йўллаганлар. Одинахоннинг болалик дамлари кўпроқ отаси билан ўтган. Кенжа қизлари Оминахон туғилганида ҳам ниҳоятда хурсанд бўлганлар ва катта ақиқа берганлар.

Шайх ҳазратлари қизларига айниқса илм-маърифат масаласида жиддий ёндашадилар. «Ҳа, бу аёл киши», деб қўл силтамайдилар. Таҳсил олишлари учун бор имкониятни ишга соладилар. Ўзлари туртки бўлиб, қўллаб-қувватлаб, кўмакдош бўлиб турадилар. Бирор ердан совға-салом билан қайтадиган бўлсалар, суннатга мувофиқ совға беришни қизларидан бошлайдилар. Ёлғиз келинларини ҳам қизлари қаторида кўрадилар. Кўнгилга қараш ва эркалаш борасида шариат ишлари ва одоб-ахлоқдаги талабчанликлари ҳам ўз ўрнидадир. Фарзандларини тез-тез тартибга чақириб, ваъз-насихат қилиб турадилар.

Ҳозирги кунда ҳазратимизнинг етти нафар набиралари бор. Шайх жаноблари ҳар гал набира кўрганларида, дарров шукр саждасини қиладилар. У киши ҳамма набираларини баробар кўрадилар. Барчасини кўз қувончлари деб биладилар. Ҳар куни ҳаммаси билан кўришиб, ўқишлари ва ишларидан хабардор бўлиб турадилар. Қиз набираларига кўпроқ эҳтимом кўрсатадилар. Набираларига бўлган муносабатлари кўпинча Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳасан, Ҳусайн ва Умомаларга бўлган муносабатларини ёдга солади.

Аллоҳ таоло ҳазратимизни ва у кишининг хонадон аҳлларини ҳифзи ҳимоясида асрасин.

Юртимизда диний илм ва маърифатнинг ўзига хос юксалишида фазилатли Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг асарлари ва у киши бошчиликларидаги islom.uz порталининг ўрни жуда беқиёсдир.

Истиқлолга энди эришган пайтларимизда Шайх ҳазратларининг «Ислом софлиги йўлида» номли янги китобларини ўқиб қолдим. Уни ўқигандан кейин Ислом тўғрисидаги тор фикрларим анчагина кенгайди. Бу китобда Исломни ўзларига ниқоб қилиб олган турли гуруҳлар, фирқалар, уларнинг ақийдалари, хулқ-атворлари, кийимлари ҳақида ёзилган эди.

Ўша пайтда бизда ҳам турли гуруҳлар, турли фирқалар пайдо бўла бошлади. Ислом ҳақида тўла тушунчага эга бўлмаган кўпгина ёшларимиз адашиб, ўшаларнинг орқасидан эргашиб кетдилар. Бунинг сабаби эса уларнинг ҳақиқий диний илмга ва билимга эга бўлмаганлари бўлди. Бу китоб Шайх ҳазратларининг биринчи таълиф қилган китобларидан бири эди.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, ҳозирги кунга келиб, муҳтарам Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олувчи бир неча диний адабиётлари чоп этилди. Барча асарлари китобхонга гўёки Ислом динини толқондек туйиб, ошатиб қўйгандек. Мен бир мусулмон аёл

сифатида шундай буюк олимга ўзларидаги илмни, зиёни тарқатишлари учун шароит яратиб бергани учун ҳукуратимиздан ниҳоятда мамнунман.

Ҳозирги кун ёшларига жуда ҳавасим келади. Техника тараққиёти ривожланган шундай бир

даврда яшамокдаларки, уйдан чиқмасдан, кутубхонага бормасдан, излаган нарсаларини бемалол интернет орқали топа оладилар. Бу ёшларимизнинг ютуғидир.

Ислом дини муқаддас дин ҳисобланади. Мана, 10 йилдирки, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари динимиз йўлида ўз насиҳатлари, таълиф қилаётган китоблари, интернет орқали саволларга берган жавоблари орқали холис хизмат қилиб келмоқдалар.

Мен шундай буюк олим ва уламанинг замондоши эканлигимдан фахрланаман. Илоҳим, умрлари узун бўлсин, динимиз йўлидаги хайрли ва эзгу ишлари бардавом бўлсин. Аллоҳ азза ва жалла у кишидан

рози бўлсин.

islom.uz порталида хизмат қилаётган барча азизлар ҳам омон бўлсинлар. Виртуал олам орқали илм ва маърифатни, зиёни тарқатишда бардавом бўлсинлар. Аллоҳ таолодан ишларига ривож ва барака тилаб қоламан.

Марҳабо Каримова



«Ўзингда яширинган айбларни кўришга интилишинг сендан тўсиб қўйилган ғайбларни кўришга интилишингдан яхшироқдир».

Одамларнинг қалбларига, уларнинг ҳаёт тарзига кириб боришда шайтоннинг турли-туман услублари, йўллари бор. Масалан, ҳидоят йўлидан узокдаги, адашган гумроҳларнинг қалбларига кириб бориш учун уларнинг ҳолига муносиб йўлни танлайди. Кўпинча уларни ҳаром ишлар, ҳалок қилувчи кабира гуноҳларни кўпроқ қилишга ундаб, ҳидоятга бошловчи, хушёр бўлишга, сергак тортишга қулай фурсатлардан узоклаштиради.

Аммо Аллоҳ таолонинг буйруқларини бақадриҳол бажариб юрган аксар оддий инсонларни адаштиришда эса уларнинг ҳам ҳолига яраша алоҳида йўли бўлиб, бу тоифа инсонлардан юқоридаги заллатга кетганлардан умид қиладиган нарсасини умид қилмайди. Балки уларни хатарга учрашлари ноаниқ бўлган, тойилтириб юборувчи сирпанчик йўлларга чорлайди. Кўпинча бу йўл ҳам уларни охири бориб биринчи тоифадагиларнинг ҳолатига етказиб қўяди.

Аллоҳ таоло амри маъруф ва наҳйи мункар қилиш майдонларига йўллаб қўйган, одамларга ваъз-насиҳат қилиш, уларни тўғри йўлга бошлашни ўзининг бурчи деб биладиган кишиларни чалғитишда эса бошқача қуроллар, услублардан фойдаланиб, бу усул юқоридаги икки усулдан бутунлай фарқ қилади. Ушбу учинчи тоифанинг ичига кириб боришда шайтон кўпроқ одамлар орасида обрў-эътибор қозонишга бўлган

қизиқишни кучайтириш услубидан фойдаланади. Бунинг учун у турли хил сабабларни ўйлаб топиб, унга ҳавола этади ва нафсига васваса қилади.

Бу васвасаларнинг энг ташвишли, энг хатарлиларидан бири – иложи борича муридлар ва авом кишилар олдида ўзининг Аллоҳ азза ва жаллага яқинлиги ва У Зотнинг олдидаги мартабасига далолат қилувчи нарсаларни кўз-кўз қилишдир. Кароматлар, ғайриоддий ва ўз қўли билан содир қила олиши мумкин бўлган ажойиб ишларни даъво қилиш каби васвасалар таъсирида бу тоифадагиларнинг баъзилари зехнига гумроҳларни жалб қилишда, адашганларни тўғри йўлга солишда энг қулай йўл мана шу, деган тушунча ўрнашиб қолади.

Чунки шайтон муршид нафсининг ҳою ҳавасларидан кўмак олиб, унинг фикрига ўз ҳузурда турли ажойиб, ғайриоддий ишларнинг зоҳир бўлиши шогирд қалбида ўзига бўлган ишонччи, муҳаббатни ва бўйсунуш туйғусини зиёда қилади, деган ҳаёлни сингдиришга ҳаракат қилади. Бундай ўй-хаёл уни таълим ҳамда ваъз-насиҳат борасида ўтказадиган мажлисларининг асосий қисмини Аллоҳ таоло унинг қўли орқали содир қилган каромат ва ажойиб ишлар билан чиройли ўтказишга ундаб туради. Баъзида бу нарсалар Расулуллоҳни тушида кўрганлиги, ҳатто баъзида у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни уйғоқлигида ҳам кўргани ҳақида бўрттириб гапиришгача бориб етади.

Муршиддаги бу тасаввур унинг муридларига ҳам сингиб боради. Улар Аллоҳга яқинлашишнинг,



орифлар ва раббонийлар даражасига кўтарилишнинг ўлчов мезони уларнинг қўлида содир бўладиган ғайриоддий ишларда ва гоҳида Аллоҳ уларга берадиган кароматларда намоён бўлади, деб ўйлайдилар. Улардан бирларига Аллоҳнинг буйруқларини бажаришга, қайтариқларидан узоқда бўлишга тавфиқ берилса-ю, агар унга бошқаларга берилмаган кашфу-илҳом берилгани ёки Аллоҳ томонидан унга бошқалардан алоҳида, ғайриоддий куч-қудрат берилгани сезилмаса, унинг учун бу ибодату тавфиқнинг ҳеч қандай қиймати йўқдек, гўё. Бундай тоифадаги аксар кишилар кундалик ибодатлар, зикрлардан иборат вирду вазибаларни ўзларига мажбурий вазифа қилиб олиб бажариб юрадилар, лекин бундан мақсад Аллоҳ таоло уларга фарз қилган ибодатларни бажариш, зиммаларидаги бандалик ҳақларини адо қилиш эмас, балки ана шу вазибаларни бажариш орқали кашфу илҳом, кароматлар кўрсата олиш даражасига етиб олишдир. (Масалан: Ўзимизда эшитганларимиздан баъзи сўфий йигитларга: «Зикрлар қандай бўляпти, фойдасини сезяпсизми?» десак, «Бўляпти, ҳозир бор эътиборимни нафий-исботни («Лаа илааха иллаллоҳ» калимасини тилни қимирлатмасдан, қалбда бир нафасда айтишни) кўпайтиришга қаратяпман. Чунки агар бир нафасда мингта ёки беш мингтага етказилса, қабрдаги ҳолатлар кашф бўларкан», дейишарди.) Борди-ю ўз вазибаларини бардавом бажариб юриб, ҳалиги кўзлаган мақсадларига етолмасалар, ҳали ирфон даражасига етолмабмиз, дея ўзларини ишонтирадилар.

Лекин ҳар бир мусулмон яхши билиши керакки, бундай тасаввур Ислом мезонлари ва унинг йўлига мутлақо тескари тасаввур бўлиб, шайтоннинг авраш, васваса қилиш йўлларининг энг хатарлисидир. Шубҳасиз, Аллоҳ таолонинг бизларни тоатларга, зикрларга ва ҳаром ишлардан узоқда бўлишга буюришидан кўзлаган мақсади ҳеч қачон нурларни кўриш, ғайбларни кашф қилиш ёки қўлдаги бир ҳовуч майда тошнинг шакарга айланиб қолиши каби нарсалар бўлмаган. Улардан кўзланган ҳақиқий мақсад, бандани Роббидан узоқлаштириб юборадиган қалбдаги кибр, манманлик, мутаассибона тарафкашлик, ҳасад, дунёга қаттиқ ҳирс қўйиш, мансабпарастлик, шуҳратпарастлик ва ҳоказолар каби касалликлар ҳамда офатлардан тозалашдир.

Ҳақиқатда ҳам, Жунайд Бағдодий, Имом Муҳосибий ва машҳур рисола соҳиби Имом Қушайрий каби Китобу Суннатни маҳкам тутган буюк тасаввуф имомлари бизларга тиловати Қуръон ва кеча-кундузги зикрларни кўпайтириш зарурлигини ҳамда фарзлардан кейинги нафлларни ҳам кўпайтиришни насиҳат қилар эканлар, айна пайтда тўсатдан пайдо бўладиган ғайриоддий ишлар сабабли фитналаниб

қолишдан ҳамда улар ҳақида ҳавас ва эътибор билан фикрлашдан қаттиқ оғоҳлантирардилар. Улар Аллоҳ таолонинг буйруқлари ва тоатларини доимо тўғри бажариб юришнинг ўзи айнан ҳақиқий каромат, деб таъкидлардилар.

Замон ўтиши билан нафсимизда тўпланиб борадиган юқоридаги иллатлар аслида касаллик бўлиб, унинг давоси мана шу тоатлар, зикрлар ва Аллоҳ таолога доимо дуо-ю илтижога бўлишдир. Яъни Аллоҳ таоло бизни муваффақ қилган тоатлар, вирдлар ва бошқа хайрли ишларни ўзимизга вазифа қилиб олиб, бажариб юрар эканмиз, ана шу касалликларни эсда тутишимиз ва уларнинг давоси нимада эканини ҳам билишимиз лозим.

Ўқувчи биродарим! Даво учун қабул қилинадиган дорига мурожаат қилганимизда мендан ҳам, сиздан ҳам талаб этиладиган нарса шуки, уни истеймол қилиш асносида Аллоҳ таоло Ўзи биздан махфий қилиб қўйган ғайбнинг сиру асрорларини кашф қилишга эмас, балки нафсларимизнинг туб-тубида тўпланиб қолган айбларга шифо топиш учун интилишимиз керак. Ибн Атоуллоҳ раҳимахуллоҳ ҳам ушбу ҳикматларида мана шу нарсани бизга насиҳат қилиб, айтадилар:

«Ўзингда яширинган айбларни кўришга интилиндинг сендан тўсиб қўйилган ғайбларни кўришга интилиндингдан яхшироқдир».

Ҳақиқатда, Аллоҳ таоло ҳам Ўз Китобининг кўп-лаб оятларида бизни нафсимизни поклашга чорлаб, айтади:

«Дарҳақиқат, ким покланса, зафар топадир... ва Робби исмини зикр қилса ва намоз ўқиса» (Аълаа сураси, 14-15-оятлар)

«Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, зафар топди. Ва батаҳқиқ, ким уни булғаса, ноумид бўлди» (Шамс сураси, 9-10-оятлар).

«Бас, айт: «Сенда покланишга (рағбат) борми? Ва сени Роббингга ҳидоят қилсам, шоядки, кўрксанг» (Назиъат сураси, 18-19 оятлар).

Тазкия – нафсни поклашнинг ўзи нима? У кароматлар соҳиби бўлиш, кишидан турли ғайриоддий ишлар содир бўлишими ёки шишани ютиб юбориш, тошни ушласа, қандга айланиб қолишими?

Йўқ, асло! Бу тазкия эмас. Аллоҳга яқинлашиш воситаси ҳисобланмиш тоату ибодатлар бунинг учун жорий қилинмаган. Балки Аллоҳ таоло бандани Ўзининг Китобида **باطن الائم** (ботин ал исм) – «махфий гуноҳ» деб номлаган қалбдаги яширин касалликлардан даволаш учун жорий қилган.

Агар банда ўзининг улардан тузалганини билса ёки уларни енгиб ўтишга кучи етса, шубҳасиз, сидиқлар даражасига етганидан хурсанд бўлаверсин. Ҳатто ундан ҳеч қандай одатдан ташқари ишлар со-

дир бўлмаса ҳам, олдида нурлар порлаб турмаса ҳам ва ҳатто Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни хоҳ уйкуда, хоҳ уйғоқликда кўрмаса ҳам, майли. Асосийси, қалб касалликлари ва нафс кирликларидан қутулиб олган бўлса бўлди, шунинг ўзи катта бахт ва ҳақиқий кароматдир.

Аммо ўзингни ҳамон бошқалардан устун тутиб, ўзингга бино кўйишда давом этаётганингни билсанг, неъмат эгаларига ҳасад қилсанг, обрў- эътиборда сендан ўзиб кетганларга нисбатан кек сақласанг ва дунёга қаттиқ хирс кўйиб, унинг қаердан келаётганини фарқламай, тўплайверишга ҳаракат қилаётган бўлсанг, билгинки, сен Аллоҳ таолодан узоқлашиб, Унинг лутфу марҳаматидан тўсилиб қолибсан. Ҳаттоки одатдан ташқари ишлар, кароматларнинг ҳаммаси сенинг ихтиёрингда бўлса ҳам, шубҳасиз, у каромат эмас, истидрождир. (Истидрож – даражамадаража олиш. Таъриф: Аллоҳ таолонинг кофир ва осийларни дарҳол жазоламай, балки яхшилик қилиб тек кўйиб кўйиб аста-секин олиши) («Қомус»дан).

Агар киши атрофидаги кўпгина муридларнинг унинг ҳурматини ошириб юбораётганини, кўлини ўпиш учун бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилаётганини кўрса-ю, шу пайт ўз нафсини эгаллаб олган завқни ва вужудида сизиб юрган улуғликни ҳис қилдиган бўлса, аниқ билиб кўйиши керакки, бу иши билан у Аллоҳ таолонинг йўлидан адашиб юрган баъзи фосиқлардан ҳам ёмонроқ одамга айланиб қолибди. Чунки улар Аллоҳ таоло *يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰتٰمَ ظٰهَرِ* «зоҳир ал-исм» (яъни «ошқора гуноҳ») деб номлаган гуноҳларни қилиб юрибдилар. Бу гуноҳлар эса Аллоҳ тало *بٰطِنِ* «баттин ал-исм») «махфий гуноҳ» деб номлаган хатарли ҳис-туйғуларга қоришиб ётибди.

Тил тавбаси билан ўчирилиб кетадиган ошқора гуноҳ билан ўчиришга ҳам, унинг ботқоғидан чиқариб олишга ҳам тилнинг кучи етмайдиган махфий гуноҳ ўртасида катта фарқ бор. Уни кетказадиган, ундан чиқариб оладиган нарса фақат тазкия муолажасини узоқ вақт ва давомли қўллашдир. Чунки бу муолажа (ўз натижасини кўрсатиши учун) узоқ вақт ва бор кучи билан жидду жаҳд қилишни талаб этади.

Шу ўринда баъзи «муршида», «отин» аёллар йўл қўяётган катта хатога ҳам эътибор беришимиз лозим. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг муридаларини тарбия қилишда бажарадиган ваъзу иршод вазифалари асносида Ибн Атоуллоҳ раҳимаҳуллоҳ тавсия қилаётган нарсанинг зиддига тушиб қоладилар. Уларнинг баъзилари толиба, муридалари олдида ўтирар эканлар, тўсатдан у ерда мажлисни қорайтириб юборадиган гуноҳнинг ҳидини сезаётгани, ўзининг ҳам қалбига сизиб кириши мумкин бўлган бундай зулумат ичида ўтиролмаслиги ва ана шу гуноҳ соҳибаси то тавба қил-

магунча, бу мажлисни ташлаб чиқиб кетиши лозимлигини айтиб, уларни гангитиб кўйишни ёқтирадилар.

Бундай йўл тутиш натижасида шогирдлар, муридалар қалбини эгаллаб олган руҳий асорат ҳақида гапирмай кўяверинг. Уларнинг ҳар бири ўзи қилиб кўйган, Аллоҳ таоло бу «сиддиқа валий аёл»ни хабардор қилган гуноҳ нималигини қидириб, руҳий хаяжон ва кучли хаёлпарастликдан иборат қаттиқ бир босим остига тушиб қолади. Балки, унинг устозиникига келаётиб, йўлда учраб қолган бир йигитга тўсатдан қараб кўйганини ёки кечаси ўз оиласи билан бўлган баъзи уятли ишларини ёки доимгидан кўпроқ ухлаб, кечки намозга туролмаганини устози билиб қолдимикин ва ҳоказо...

Бундай ташвишга солувчи, хаяжонли кўрқувда қолиб, васваса бўлиб қолган, охир-оқибат тузалмас касалликка чалинган қизлар жуда ҳам кўп. Мен айтмоқчи бўлганим, бундай йўл тутишнинг руҳий асорати-ю натижаларини кўйиб туринг-у, бу нарса сабабли муридаларнинг онгига таъсир қилаётган маънога эътибор беринг. Шубҳасиз, муридаларда «муршида» уларнинг сир-асрорларини билиб туради, барча махфий ҳолатларидан хабардор. Чунки унда ўзгача руҳий софлик, нурунийлик бор, у кашфу илҳом соҳибаси, унинг олдида тўсиқлар йўқ ва унга барча ҳақиқатлар яққол кўриниб туради, деган тасаввур пайдо бўлади.

Пайгамбарлардан, раббоний муршидлардан қай бири ўз шогирдларига бундай даъво қилиб, уларни кўрқув, хаяжон ва ҳадик гирдобига ташлаб кўйишган экан? Аслида эса ҳақиқий муршиднинг Аллоҳни таниши, У Зотга яқинлашиши зиёда бўлгани сари ўзини ўзи айблаши, камчиликларини ҳис қилиши ва ана шу қусурлари оқибатидаги кўрқув ҳисси кучайиб бораверади. Шунинг учун муридлари билан ўтирганида Аллоҳ унга икром қилиб берадиган илҳомни уларнинг баракотларидан деб билади. Суҳбатлари асносида уни эгаллаб оладиган сиқилиш, оғирликни эса ўз ҳолининг ёмонлигидан деб билади. Аллоҳ таоло уни қоим қилиб кўйган бу ваъз-иршод ишларини эса бажариши керак бўлган бир вазифа деб билади, холос. Мен ҳам сизларга бир ҳақиқатни айтиб берай: кўпинча мана шу мажлисга келганимда гапни зўрға гапирётганимни, эсимда турган, айтмоқчи бўлган маънолар зехнимдан кўтарилганини сезаман-да, ҳеч иккиланмасдан бунга сабаб ўз ҳолимнинг ёмонлиги деб биламан. Ахир Аллоҳ таоло ҳам инсон ўз ҳолатини билиши ҳақида:

“Ҳа, инсон ўзига қарши ўзи шоҳиддир” деган (Қиёмат сураси, 14-оят). Гоҳида эса айтишим керак бўлган гапларни тайёрламасдан келаман-да, бир неча лаҳзаларда у маънолар қалбимга қуйилиб ке-

лади, гапириш ҳам осон бўлади. Бундай пайтда эса менга тўсатдан келаётган бу илҳом ушбу масжидни тўлдириб ўлтирган баъзи солиҳларнинг баракотларидан эканлигига шубҳа қилмайман.

Баъзиларимиз ваъзу иршод вазифасини бажара туриб, бу нарса Аллоҳ таолонинг хузурида алоҳида бир даража эгаси эканимизнинг далили деб ўйлашимиз баъзиларимиз ўралашиб, тушиб қолаётган хатонинг масдаридир. Бундай хаёлга бориш, шубҳасиз, беҳуда нарса бўлиб, ҳалокатга элтувчи гуноҳдир. Одамларни даъват қилиш, тўғри йўлга солиш Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган ҳикмат учун Ўзи хоҳлаган кишини хизмат қилдириб қўядиган бир вазифадан бошқа нарса эмас.

Бу нарса баъзида синов учун, баъзида эса даъват қилувчи муршид мавъиза қилаётган одамларга насихатдан кўра кўпроқ унинг ўзини тарбия қилиш учун бўлиши мумкин. Муршидлар орасида ўзлари қилган ваъз-иршод туфайли фитналаниб, адашиб кетганлари, муридлари эса ҳақни таниб, қалблари очилиб, ҳидоят топганлари бор. Ҳеч шубҳа йўқки, киёмат куни муршидлар ичида баъзи муридларининг шафоати билан Аллоҳ жаннатга киритадиганлари ҳам бўлади.

Отам раҳматли ўзлари танийдиган бир солиҳ, муршид олим ҳақида гапириб бергандилар. У киши билдирмасдан, муридларига хизмат қилар, уларнинг кийимларини ювиб қўяр экан. Уларга ваъз-иршод қилиш учун нақшбандия тариқатининг услуби бўйича бирга ўтирганларида эса уларни у кишини ҳурматлашда муболаға қилишларидан ва ташқи ҳолатларига алданиб қолмасликларидан қаттиқ огоҳлантириб, Аллоҳ номига қасам ичиб: «Мен ўзимни сизларнинг ҳеч бирингиздан яхшиман деб билмайман, – дер экан. Сўнг таъсирланиб: – Лекин бу Аллоҳ таоло мени қоим қилиб қўйган бир вазифа, уни бажариш менинг бурчим, холос», деб қўшиб қўяр экан. Аллоҳ таоло юқлаб қўйган вазифани бажариб, сўнг ўз нафсига қайтиб, ўзининг ҳолати ва гуноҳларига йиғлайдиган ҳақиқий муршид мана шу.

Аллоҳ таолонинг ҳикмати нақадар ажойиблигини қарангки, У Зот анбиё, мурсаллардан бошқа ҳеч кимга гуноҳу маъсиятлардан сақланганлик насибасини бермади. Сабаби, бу нарса, яъни гуноҳу маъсиятлардан сақланмаганлик ўзига бино қўйган ҳар бир киши олдида кўриниб турадиган, агар мабодо у иршод вазифасида бошқа бандалардан ўзини яхши деб билса, гарданига тушадиган одоб таёғи бўлиб туришини хоҳлади.

Аллоҳим, одамлар бизни ҳурмат қилишларини, биз ҳақимизда чиройли ўйлашларини ўз ҳолимизнинг ёмонлигини, Сенинг ҳақларингни бажаришдаги бепарволигимизни эсдан чиқариб қўядиган маст қилувчи нарсага айлантириб қўймагин.

Аллоҳим, менинг айбларимни тўсиб қўйганлигинг неъматини ғурурга кетиб қолишимга сабабчи қилмагин. Ёки Ўз илмингда сақлаб, бандаларингдан яширган гуноҳларимни эсдан чиқариб қўйишимга сабабчи қилмагин. Аммо бу йўл машаққатли, хатарли бўлиб, кимки бу йўлда ваъз-иршод, даъват вазифасини бажаришга киришса, одамларнинг муҳаббатлари, олқишлари ва мақтовлари қуршовида қолади. Улар унинг қўлини ўпиш учун бир-бирларидан ўтишга ҳаракат қилаётган, кийимини юзларига сураётган бўлса-ю, шу билан бирга, у киши ўз ҳолини билиб, камчилик-нуқсонларини эсида тутиб, доим Аллоҳ таолога гуноҳини кечириб, ҳолатини ислоҳ қилишни сўраб илтижода бўлса, одамларнинг у ҳақидаги яхши фикрлари туфайли динида фитналаниб қолмаса, балки Аллоҳ таолонинг остонасида ўзини хор тутиб, У Зотга давомли илтижо қилиш билан ўз нафсини муолажа қилувчи инсон сифатида юрса, У Зотдан ўз нафсининг ёмонлигидан сақлаши, раҳматидан насибадор бўлишдан узоқлаштирмаслиги ва Ўз лутфи эҳсонининг баракотидан насиб қилишини сўраб юрса, албатта, бу нарсаларни сўровчиларга ижобат этадиган, улардан ёмонликни даф қиладиган ва уларни нафсларининг офатларидан сақлаб, дунёда айбларини беркитиб, киёматда мағфират қиладиган қарамли Робблари хузурида топади.

Энди орамизда: «Ахир ўз нафсларини муолажа қилиб, Аллоҳ касалликлардан халос этган, У Зотнинг раббоний бандалари ана ўшалар эмасми? Аллоҳ таоло томонга сайр қилиш босқичини босиб ўтиб, ҳатто Аллоҳ таоло Ўзига етишганлар қаторига қўшган бандалар ўшалар эмасми? Нега энди сизлар бизни ҳам ўшалардан бўлишимизни узоқ санайсиз ёки Аллоҳ таоло ўзи кенг қилиб қўйган йўлни торайтирмакчи, У Зот Ўзи очиб қўйган эшикни қулфлаб қўймоқчи бўласизлар», дейдиганлар ҳам бор.

Уларга жавоб шуки, аслида ҳақиқий раббоний зотлар одамлар ичида нафсининг офатларидан энг кўп кўрқадиганлари, нафсларини энг қаттиқ айблайдиганлари бўлишган. Сиз Аллоҳ таолонинг улар ҳақидаги сўзини эшитмаганмисиз? У Зот айтади:

«Ва берадиган нарсаларини албатта, Роббларига қайтувчи эканликларидан, қалблари титраган ҳолда берадиганлардир» (Муъминун сураси, 60-оят)

«Оиша розияллоху анҳо юқоридаги оятни ўқиб туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, улар ароқ ичиб, ўғирлик қилиб, зино қилиб, Аллоҳдан кўрқадиганларми?» дедилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Йўқ, эй Сиддикнинг кизи! У намоз ўқийдиган, рўза тутадиган, садақа берадиган ва шу билан бирга, Аллоҳдан кўрқадиган одам», дедилар».

Имом Аҳмад ривоят қилган.

Уларнинг қалбига қатъий ўрнашиб қолган бундай кўркув ва ўз нафсини айбланининг сабаби иккитадир:

Биринчидан, бундай солиҳ инсонлар ҳар қачон Аллоҳ таоло томонга сайр қилиб, солиҳлар поғонасидан ўтсалар ҳам, уларнинг нафслари инсоний нафслигича қолаверади. Аллоҳ таоло хабар берганидек, шахватлар ҳам уларга яхши кўрсатилган ҳолда, зийнатли бўлиб қолаверади. Лекин тўплаган кўплаб тоату ибодатлари, доимий мувоқабат (яъни Аллоҳнинг кўриб турганлигини ҳис қилиб туриш)да бўлиш ва вазифа қилиб олинган зикрлар уларнинг нафсларини Аллоҳга бўлган муҳаббат, У Зотдан ҳаё қилиш ва кўркиш тизгини билан жиловлаб туради. Шунинг учун улар ҳар қандай ҳолатда ҳам кўркиб турадилар. Чунки улардан Аллоҳ таолонинг ҳимояси, риояси узоклашса, ўз нафсларидан хавотирда бўлиб, нафслари уларни ҳаром қилинган хоҳиш-истакларига буриб юбориши мумкинлигини билдилар. Бу нарса хотиржам бўлиш қийин бўлган, содир бўлиб қолиши мумкин бўлган ишдир. Қандай қилиб ўз нафсларидан хотиржам бўлишсин, ҳолбуки, улар Аллоҳ таолонинг

«Аллоҳнинг «макри»дан хотиржам бўлдиларми?! Аллоҳнинг «макри»дан фақат зиён кўрувчи қавмларгина хотиржам бўлурлар» (*Аъроф сураси, 99-оят*) деган сўзини доим қайтариб юрадилар-ку!

Пайғамбарлардан кейин авлиёларнинг энг афзали, саҳобаликлари Қуръонда собит бўлган, жаннат башорати берилган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин дўстлари ва муршидларнинг имоми Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Агар ўнг оёғим жаннатда бўлса-ю, чап оёғим ташқарида бўлса, Аллоҳнинг макридан қўрқаман», деган эканлар.

Иккинчидан, ҳақиқатда, инсон Аллоҳ таолога яқинлашган сари, У Зотни таниши зиёда бўлгани сари зиммасидаги Аллоҳнинг ҳаққи буюк эканлигини кўра билиши зиёда бўлаверади. Шу сабабли Аллоҳ таолонинг ҳузурда ўз айбу нуқсонларини ҳис қилиши, ўз ҳолининг ёмонлигини кўриб, эҳтиёткорлиги кучайиб боради. Мана шунинг учун ҳам Аллоҳ таолонинг раббоний бандалари одамлар ичида У Зотдан энг қаттиқ кўрқадиган, У Зотни энг кўп улуғлаб,

ўз нафсларини энг қаттиқ айблайдиганлар бўлишган. Шундай бўлгач, қачон ва қандай қилиб улар нафсининг офатларидан покланиб, омонлик кирғоғига ўрнашиб олганларидан хотиржам ва хурсанд бўлсинлар?!

Жаннат башорати берилган ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуға эътибор беринг! У киши ўз нафси ёмонлигидан энг қаттиқ кўрқадиган, оқибатидан энг кўп хавотирланадиган киши эдилар. Ҳаёлларида одамларнинг энг оғир гуноҳлари у кишининг елкасига юклаб қўйиладигандек эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиваччалари, энг яқин дўстларидан бири ҳазрати Али розияллоҳу анҳуға қаранг. Кечанинг ярмида худди илон чакқан одамдек оҳ тортар, дунёга хитоб қилиб: «Мендан нари тур! Мендан бошқани алда, сени уч талоқ қилдим», дер эдилар. Сўнг «Тайёргарликнинг озлигидан, айрилиқнинг узоклигидан, йўлнинг хавотирлигидан оҳ!» дея қайғурардилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аксарият саҳобаларининг ҳолатлари ана шундай бўлган.

Биламизки, шубҳасиз, улар анбиё ва мурсаллардан кейинги Аллоҳнинг танлаб олган хос бандаларидилар. Ҳаммамиз шуни аниқ билишимиз керакки, Аллоҳдан тўсилиб қолган киши Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлиб, ўзини нафси пок, қалби саломат, Аллоҳга етишган зотлардан деб ҳисоблайди. Унинг асосий мақсади, энг муҳим ташвиши – ғайриоддий ишлар, кароматлар кўрсата олиш даражасига етиш ва уни одамларга гапириб бериб, ўз шаънини кўтариш ва уни ваъзу насиҳат қилиш қуроли қилиб олиш, ҳолос.

Демак, бизнинг барча хатти-ҳаракатларимиздаги асосий мақсадимиз – биздан тўсиб қўйилган ғайбларни кўришга интилиб, уни билганимиз, улардан хабардор бўлганимиз фазилати билан мақтаниш эмас, балки ўзимизда яширинган айблардан ҳалос бўлишимиз учун уларни кўра билишга интилишимиз керак.

*Аллоҳ Ўзи тавфиқ берувчидир.
Рамазон Бутий «Ал-ҳикам-ул Атоийя» шарҳи,
Баҳодир Раҳматуллоҳ таржимаси.
Islom.uz сайтидан олинди.*



ISLOM.UZ ПОРТАЛИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ МУНОЖОТХОН ЙЎЛЧИЕВА ТАБРИГИ

– Авваломбор Islom.uz порталининг 10 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Ҳазратимиз ҳақларига ҳамиша дуодамиз. Ҳазратни биз ёшлигимиздан яқиндан таниймиз, битта ариқдан сув ичиб, битта водий, яъни Андижоннинг Булоқ-боши туманида вояга етганмиз. Ёшлиқдан уларга ҳавас назари билан қарардик. Ўша пайтлар кўз олдимда гавдаланади: бошларида оқ дўппи, эгниларида оқ ятаклари – қори домла оталарининг ёнларида юрардилар. У пайтлар бизнинг кичкина болалик давримиз, Ҳазратимизнинг вояга етиб келаётган ўспиринлик давлари эди. Бутун қишлоқ аҳли уларнинг илмга бўлган иқтидорларига, шижоатларига ҳавас билан қарарди. Шундай инсон билан ҳамқишлоқлигимиздан фахрланардик. Ҳазратимизнинг оталари бутун қишлоғимизга ўрнак бўладиган киши эдилар. Ота томондан бобом Мавлонхон Тўрам диний илмни яхши эгаллаганлар ва илмга ўзгача муҳаббат билан қарардилар.

Бобомиз илмга муҳаббатли бўлганлари учун отамиз ҳам бобомга ҳавас қилиб, уларнинг таъсирида Ҳазратимизнинг оилаларига ихлос қилиб, тўй-йиғинларда, бирон-бир маросимларда ёки масжидларда чиройли мавъизалардан тинглаб келиб, бизга ҳам айтиб берардилар. Биз саккизта фарзандмиз. Кечкурун дастурхон атрофида, дарс тайёрлаш жараёнида ёки оилавий давра суҳбатлари чоғида чиройли мавъизаларидан гапириб берардилар. Мана, ҳозир Ҳожи отамизнинг ёшлари 80дан ошди. Аллоҳ умрларини зиёда қилсин. Ҳалигача китобларини қўлдан кўймайдилар. Ҳазратнинг ҳар бир чиққан китобларини мутолаа қилишга ҳаракат қиладилар. Қуръондан ҳам ёдлашга интиладилар. Бизларни ҳам шунга тарғиб этадилар. «Бу икки дунё саодатига элтувчи энг тўғри йўл», дея таъкидлайдилар. Ёшлигимиздан қайта-қайта оятларни ўқиб берар, ҳар хил ривоятлар сўзлаб берардилар. Шуларнинг ҳаммаси бизнинг қулоғимизга сингиб қолган.

Ёшлиқдан Ҳазратга ва у кишининг оилаларига бўлган ҳавасимиз, ҳурматимиз шаклланиб, шу кунларда яна ҳам ихлосимиз баланд. Ҳазратимиз билан, у кишининг оилалари билан танишиш истагида ғойибона мухлислари бўлиб юрардим. Бундан ўттиз цилча муқаддам Тошкентга келиб, таълим олиб юрган даврларимда маросимларнинг бирида Ҳожи онани узокдан кўрганман. Шунда «Ҳазратнинг аёллари», деб севиниб кетгандим. Кичкинагина, жуссалари ўзига ярашган, ҳар томонлама зийрак аёлнинг кўринишининг ўзи Ҳазратнинг аёллари эканлигини айтиб турарди. Ўшанда шунчалик ҳавасим келганки, у киши билан кўришиш, суҳбатлашиш насиб бўлармикин, деган ўй хаёлимдан ўтган. Яхши ният қилсак, Аллоҳим албатта етказар экан. Вақт ўтиб, фалакнинг гардиши билан Аллоҳ бизни учраштирди. Улар билан опа-сингилдек бўлиб қолганмиз. Билмаган нарсаларимни



сўраб, маслаҳат олиб, уларга мурожаат қиламан.

Албатта, ушбу сайтнинг очилиши ҳам бизга ўхшаган, баъзида тўғри йўлни тополмаётган ёки баъзи шаръий ҳукмларни билолмай қийналаётган инсонларга енгиллик бўлди. Кишиларнинг диний ва маънавий дунёқарашини тўғри йўналтиришда бу сайтнинг катта ҳиссаси бор.

Muslimaat.uz сайтининг «Омина» электрон журнаliga билдирган фикрлари:

– «Омина» электрон журнали аёлларимизнинг ҳаётда тутган ўрни, ҳар хил кечинмалари, рўзғорда, ибодатда аёлларимизга хос бўлган мавзуларни ёритиб бермоқда. Авваллари «Саодат» журнали бўларди. Кўпинча шу журналга мурожаат қилинарди. «Омина»нинг афзаллик томонларидан бири – бу электрон журнал. Технологиялар ривожланган бир пайтда биз аёллар учун жуда қулай, маълумотларга бой электрон журнал. Журнал аёлларимизга тушқунликка тушган пайтда ёки бирон-бир масаланинг ҳукмларини билмай қолганда, ҳам маънан, ҳам руҳан тетиклик бағишлайди. Аёлларимиз учун маънавий ва маърифий озуқа бўла олади. «Омина» электрон журналининг мухлислари янада кўпайишини ҳамда унда фаолият юритаётган ходималаримизнинг бундан-да юксак чўққиларга эришишларини тилаб қоламиз.

Islom.uz порталини 10 ёши билан табриклайман. Бу порталда фаолият юритаётган барча ходимларга ишларида ривож, мустаҳкам ирода, улкан зафарлар тилайман. Интернет оламида яхшиликка, тўғриликка йўналтирувчи бу сайтнинг янада такомиллашишини ҳамда халқимизни, юртдошларимизни маънавий-маърифий озиклантиришида улкан муваффақиятларни Аллоҳдан сўраб қоламан.

«Ҳадис керак эмас, Қуръон кифоя», дегувчи қавмлар

САВОЛ: Ассалому алайкум! Бир имом домла «Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадислари керакмас, Қуръон бизга етади», дейдиган қавмлар чиқиши ҳақида ҳадис бор», деб айтдилар. Шундай ёки шу мазмунда ҳадис борми?

ЖАВОБ: Бор.

Абу Рофеъ розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Мен бирортангизнинг супасида ёнбошлаб ётганида унга мен амр ёки наҳйи қилган нарсалардан бирор иш етса, зинҳор «Буни билмаймиз, бизга Аллоҳнинг Китобида нима келса, шунга эргашамиз», деганини топмайин», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам «Қуръонга амал қилсак бўлди, Суннатнинг кераги йўқ», дейдиганлар чиқмаслиги зарурлигини баён қилмоқдалар. Бу эса келажакда бўладиган нарсалардан ўзига хос огоҳлантиришдир.

Аёл киши эркак шифокор қўлида даволанса бўладими?

САВОЛ: Ассалому алайкум. Ҳазрат, мен стоматологман. Кўпчилик беморларимнинг турмуш ўртоклари эркак кишида даволанмайсан, деб аёлларига рухсат бермайдилар. Бошқа аёл врачларнинг яхши, сифатли даволашида улар шубҳа қилишади. Ният фақат тишини даволатиш бўлса, эркак кишида даволанишлари мумкинми?

ЖАВОБ: Аёл шифокорни топсин.

Ширк бўлиб қолмайдими?

САВОЛ: Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Ҳозирги кунда кўп одамларнинг исми Аллоҳнинг исмларидан бўлган Ваҳҳоб, Роҳман, Сомад, Шукур, Шокир, Карим, Ҳамид, Воҳид каби исмларни одамлар «абду» деган олд қўшимчани қўшмасдан айтишади. Бу урф бўлиб кетган, тил шунга ўрганиб қолган. Бир одам шу каби исмларга «абду» қўшимчасини қўшмасдан (тили ўрганиб қолганлиги боис) беихтиёр айтиб юборса, унга гуноҳ бўлмайдами, Аллоҳ сақласин, бундай ҳол ширк ҳисобланмайдами? Ҳазрат, илтимос, саволимни безътибор қолдирманг, бу мен ва бошқалар учун жуда муҳим аҳамиятга эга! Катта раҳмат!

ЖАВОБ: Бу мумкин эмас. Тўлиқ айтиш керак.



Ҳақиқий тавба қилиш

САВОЛ: Ассалому алайкум! Ҳурматли устоз, мен ўзим ёлғиз қолганимда энди ҳеч гуноҳ қилмасликка Аллоҳга ваъда бераман-у, лекин кўчага чиқсам, дунё билан чалғиб кетсам, яна ваъдамни бузавераман (масалан, уйланган бўлсам ҳам, номаҳрамларга қараш каби). Бундай пайтларда ўзимдан ўзим нафратланиб кетаман. Бу ҳол жуда кўп такрорланаверганидан умидсизликка тушиб қолганман. Бу ҳолатдан қандай чиқсам, бўлади, ҳақиқий тавбани қандай қилсам бўлади?

ЖАВОБ: Аввало, бундай ҳолат сиздан бошқаларда ҳам бўлишини билиб қўйинг. Ҳозирги замонда руҳий тарбия устозлари деярли йўқлиги шу ҳолатга олиб келган. Сиз «Руҳий тарбия» китобидан фойдалансангиз, тавбадан бошқа кўпгина нарсаларни билиб, амал қиласиз. Иймонни мустаҳкам қилиш, ноумид бўлмаслик керак. Бундай тавба қилишда бардавом бўлса, Аллоҳ мағфират қилади.


Аллоҳ розилиги учун илм талаби

САВОЛ: Ассалому алайкум! Динимизда ҳар бир амал Аллоҳ розилиги учун бўлиши кераклиги таъкидланади. Мен ҳозир талабаман, келажакда ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиб, ҳалол ва тўғри касб қилишни, инсонларга манфаат келтиришни, улардаги нотўғри тушунчаларни чиқариб ташлашни ният қилиб илм олишим Аллоҳ розилиги учун бўлган ҳисобланадими? Устоз, илтимос, мен толиби илмнинг ҳам ҳаққимга дуо қилсангиз.

ЖАВОБ: Албатта! Аллоҳ таоло сизга илми нофеъ берсин!

«Зикр аҳлидан сўранг» саҳифасидан олинди.

ISLOM.UZNING 10 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПОРТАЛ ХОДИМЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИГА ТАБРИКНОМА



*А*ссаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Сизу бизни яратган, йўқдан бор қилиб, бошимизга ақл ва қалбимизга иймон берган Аллоҳ таолога беҳисоб шукрлар, Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламга дуруду саломлар бўлсин! Мана шундай саломлашни мен islom.uzдан ўргангандим. Шунга ҳам роппа-роса 10 йил бўлибди.

Мен илк бор бу сайтни очиб, ўқиб кўрганимда ўзимни худди катта кутубхонага кириб қолиб, қайси китобни ўқишдан бошлашни билмай турган китобхонга ўхшатгандим. У пайтда ҳали интернет бугунги кундагидек ривожланмаган, ҳамманинг қўлида интернетга кирса бўладиган телефонлар йўқ эди. Имкони бўлди дегунча, албатта интернет-кафега кириб, islom.uzни кўздан кечирардим. Ундаги ҳеч бир янгилик, ҳеч бир мақола эътиборимдан четда қолмас эди. У пайтда ҳали интернет тармоғидаги ажойиб имкониятларга унчалик ўрганмаганим учун мени ажаблантирган, ҳайратга солган нарсалар жуда кўп бўлганди: хоҳланг – ҳадис ўрганинг, бирорта сура ни ёд олмоқчимисиз, марҳамат, ўша сура янграйди, таҳоратни мукамал ўрганмоқчимисиз, марҳамат! Энг дақиқ жойларигача батафсил илм хазинаси десак, муболаға бўлмайди. Муслималар учун аёллар ҳуқуқи ва эркинликлари, ибодатдаги фарқлар – барча-барчаси кўзимни шошириб, ақлимни ўғирларди. Ўқиган-ўрганганларимни яқинларимга, дугоналаримга айтиб беришга шошилардим.

Орадан қисқа вақт ўтиб, шундай бўлди ҳам. islom.uz порталига мансуб muslimaat.uz сайтидаги кўплаб мақолалар, ҳикоялар биз тайёрлаган радиодастурда мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Олган кўплаб мактубларимизда ана шу ҳикояларни тинглаб, ҳидоятга келган муслималар ўз ташаккурларини ёзиб юборардилар.

Мен ушбу порталнинг борлиги, ундаги кўплаб маълумотларнинг бошқаларга етиб боришида, ҳидоятга келаётганларнинг сони кун сайин кўпайиб бораётганида қайсидир маънода ҳиссам қўшилаётгани учун Аллоҳга шукрлар айтардим.

Инсоният тарихига нисбатан олганда 10 йил жуда ҳам қисқа фурсат. Бу сийқаси чиққан такрорий лафз бўлса ҳам, чиндан-да шундай. Аммо бир инсон ҳаётига нисбатан қаралганда катта даврдир. Тасаввур қилинг, янги туғилган гўдак 10 йилда 10 ёшга тўлади. Бу вақтда бир неча тилларни, ўқиш-ёзишни ўрганади ва уни ҳам бир қанча инсонлар таний бошлашади. 10 йил! Бу 10 йил давомида islom.uzга кирмаган кунларим санокли бўлди. Ундан илм олмаган кунларим санокли бўлди. Уларга амал қилмаган кунларим санокли бўлди.

Журналист бўлганим учун барча Оммавий Ахборот Воситаларини кузатиш, улардаги ўзгаришларга эътиборли бўлиш, камчиликларига аҳамият бериш касбий эҳтиёжим, бу нарсаларга ўзим сезмаган ҳолда берилиб кетаман. Лекин islom.uzни ҳар сафар очар эканман, мени ҳайрат чулғаб олади: Қачон ёзишибди? Ким ёзибди? Қандай улгуришибди?

Мен ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, газетага битта тузукроқ, икки саҳифалик мақола ёзиш учун бир ҳафта югуриш керак, битта телекўрсатув тайёрлаш учун йигирма кишилик гуруҳ бир ҳафта ишлайди, радиода битта эшиттиришни беш киши тайёрлайди. Журналда эса ўн киши бир ой меҳнат қиладди. islom.uzда неча киши ишлаши менга қоронғу, лекин ундаги тезлик ҳаммага аён. Бу портал ҳаётимизнинг турли йўналишларидаги энг сўнгги янгиликларни бизга етказди, хатоларимизни тузатади, камчиликларимизни бартараф этади, саволларимизга жавоб беради.

Ҳар бир қилаётган ишимизнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириб олиш имкони бор бунда. Замонамизнинг улуғ олимидан савол сўраш имкони бор бунда. Макон ва замон талаб қилмасдан, маблағ сарфламасдан илм олиш имкони бор бунда. Сафар қилмасдан дунё мусулмонлари билан ҳамжихат бўлиш имкони бор бунда. Муслималар учун яхши бека, меҳрибон она ва мунис ёр бўлиш йўллари ўрганиш имкони бор бунда. Бу имкондан фойдаланишни Аллоҳ таолонинг Ўзи тоабод насиб этсин!

Яратгандан портал ходимларига куч-қувват, ижодларига илҳом, биз мусулмонларга эса иймонда бардавомлик сўраб қоламиз.

Умму Муҳаммад Билол

БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ БОШЛАНИШИ

Бола ота-онаси хузуридаги омонат бўлиб, унинг қалби покиза гавҳардир. У ҳар қандай нақшни қабул қилаверади. Агар яхшиликка ўргатилса, ўшандай ўсади. Унинг савобига ота-онаси ва мураббийси шерик бўлади. Ёмонликка ўргатилса ҳам, ўшандай ўсади. Унинг гуноҳига ота-онаси ва мураббийси шерик бўлади. Валий уни сақлаши, таълим-тарбия бермоғи лозим. Унга яхши ахлоқларни ўргатсин, уни ёмон болалардан сақласин, ўткинчи лаззатларга қизиқишга одатлантирмасин, уни зебу зийнатга ружуъ қўйишга қизиқтирмасин. Токи катта бўлганида зебу зийнат ортидан юриб, умрини зое қилмасин.

Ота-она болани кичиклигидан, умрининг аввалги кунларидан эҳтиёткорлик билан кузатиб бориши керак. Агар зарурат юзасидан бошқа аёлга эмиздиrhoкчи бўлса, диндор ва ҳалолдан ейдиган аёлни то-

пишга ҳаракат қилсин. Ҳаромдан ҳосил бўлган сутда барака бўлмайди.

Болада пайдо бўладиган сифатларнинг аввалгиси таомга ўчлик бўлади. Шунинг учун ота-она унга овқатланиш одобларини ўргатиб боради. Баъзи вақтларда фақат нон ейишга одатлантиради. Токи нонга бошқа нарсани қўшиб ейиш лозим, деган ҳаёлга бормасин. Ота-она боласига кўп овқат ейишнинг ёмонлигини сингдиради. Кўп таом емоқ ҳайвонлар иши эканини тушунтиради.

Ўғил болаларга оқ рангли кийимлар кийиш яхши экани, рангдор ва ипак кийимлар аёлларга хос экани тушунтирилади. Болани сернеъмат ҳаёт кечиришга одатланган болаларга қўшмаслик керак бўлади.

Вақти келганда мактабга бериб, барча керакли илmlарни ўргатиш, жумладан, Қуръон, ҳадис ва ях-



шиларнинг киссаларидан таълим бериш бошланади. Шу тариқа унинг қалбига аҳли солиҳларнинг муҳаббати солинади. Беҳуда, енгил-елпи куй-қўшиқларни тинглашига йўл қўйилмайди.

Боладан яхши хулқ ва мактовга сазовор иш содир бўлса, уни тақдирлаш ва хурсанд бўладиган нарса ила мукофотлаш ҳамда одамлар ҳузурида макташ лозим.

Баъзи ҳолатларда мазкур ишларга хилоф нарсани содир қилса, ўзини билмаганга солиб, унинг айбини ошкор қилмаслик керак. Агар ўша номаъқул нарсани яна қайтадан қилса, ҳеч кимга билдирмай жазолаш ва одамлар билиб қолса, уят қилишларини уқтириш лозим.

Аммо жазо кўпайтириб юборилмасин. Чунки бу нарса боланинг бетини қотириб қўяди. Кейин уялмай, ҳар нарсани қилишга одатланиб қолади. Ота боласининг ҳузурида ўз ҳайбатини сақлаб туриши керак.

Она боласини отаси ила огоҳлантириб турсин.

Болани кундузи ва бевақт ухлашга одатлантирмаслик керак. Бунда у дангасаликка ўрганиб қолади. Кечаси ухлаш ман қилинмайди. Ётар жойи юмшоқ бўлмагани яхши.

Бола ётоқ, кийим ва таомда дағалликка одатлансин.

Бола дангаса бўлиб қолмаслиги учун пиёда юришга, кўп ҳаракат қилишга ва бадантарбияга одатлансин.

Бола тенгдошлари олдида ота-онасининг бойлиги, таоми ва кийими ила фахрланишга одатланмасин.

Бола ўзи билан бирга яшайдиганларга нисбатан тавозеъли бўлишга ва уларни ҳурматлашга одатланиши лозим.

Боланинг ўзига ўхшаган болаларнинг нарсасини тортиб олишига йўл қўйилмайди. Унга бировнинг нарсасини олиш пасткашлик экани уқтирилади.

Болага тилла ва кумушга муҳаббат қўйиш ёмонлигини тушунтириш лозим.

Болага ўтирган жойида туфламаслик, бурнини тозаламаслик, бировнинг олдида эснамаслик, бир оёғининг устига иккинчисини қўймаслик ва кўп гапирмаслик каби одобларни ўргатиш керак.

Болага камгап бўлиш, бошқаларнинг гапини диққат билан тинглаш, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, улар келганда ўрнидан туриб кутиб олиш ва одоб билан ўтириш каби нарсалар ўргатилади.

Бола уят сўзларни гапиришдан ва уят сўзларни гапирадиганларга қўшилишдан ман қилинади. Зотан, болани муҳофаза қилиш уни ёмон улфатлардан сақлашдан иборатдир.

Мактабдан қайтиб келганидан кейин болага чиройли ўйинлар ўйнашга шароит яратиб бериш керак. Бу билан у ўқишдаги чарчоғини ёзади.

Боланинг ота-онасига ва устозига итоат қилишга одатланиши жуда ҳам зарурдир.

Бола балоғатга етганида намоз ўқишга буюрилади. Ўрганиши учун тоҳаратсиз юрмасликка одатлантирилади. Уни ёлгон ва хиёнатга яқин келмасликка чакирилади. Ўсмирлик чоғи яқинлашганда ундан ўша пайтда керак бўладиган нарсалар талаб қилинади.

Ҳар бир мураббий билиб олиши лозим бўлган нарсалардан бири, боланинг ёшлигидан солиҳ бўлиб ўсишига аҳамият бериш кераклигидир. Агар бу иш амалга ошса, яхшилик боланинг қалбида собит бўлиб қолади.

Бунда ўтган салафи солиҳларимиздан ўрнак бўладиган тажрибалар кўп қолган.

Саҳл ибн Абдуллоҳ куйидагиларни айтади:

«Чамаси уч ёшли бола эдим. Кечаси уйғониб, тоғам Муҳаммад ибн Сиворнинг намоз ўқишига назар солиб турар эдим. Бир куни тоғам менга: «Сени яратган Аллоҳни зикр қиласанми?» деди.

«Уни қандай зикр қиламан?» дедим.

«Тилингни қимирлатмасдан, қалбингда уч марта «Аллоҳ мен билан, Аллоҳ менга назар солиб турибди, Аллоҳ менинг гувоҳим», дегин», деди.

Мен у сўзларни бир неча кеча айтдим ва тоғамга хабарини бердим. У менга:

«Энди уларни ҳар кеча ўн бир мартадан айт», деди.

Мен уни ҳам қилдим. Бир муддатдан сўнг қалбимда унинг ҳаловатини сездим. Бир муддат ўтгач, тоғам менга:

«Мен сенга ўргатган нарсани ёдлаб олгин-да, то кабрга киргунингча уни давом эттир», деди.

Мен у ишни йиллар давомида узлуксиз қилиб юрдим. Уларнинг ҳаловатини ичимда топдим. Сўнгра тоғам менга:

«Эй Саҳл! Аллоҳ у билан бирга бўлган, унга назар солиб турган ва унинг устидан гувоҳ бўлган одам У Зотга осий бўладими? Маъсиятдан ҳазир бўл!» деди.

Кейин мактабга бориб, олти-етти ёшимда Куръонни ёд олдим. Сўнг нафл рўзани кўп тутадиган бўлдим. Ейдиган таомим арпа нони бўлди. Ундан кейин кечаларни бедор бўлиб, ибодат-ла ўтказадиган бўлдим».

Саҳл ибн Абдуллоҳдан келтирилган бу қисса боланинг тарбиясига, хусусан, руҳий тарбиясига кичиклигидан аҳамият бериш унинг яхши одам бўлиб етишишида қанчалар муҳим эканини яққол кўрсатиб турибди. Биз ҳам бундан ўрнак олишимиз керак.

Islom.uz сайтидан олинди.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

10 йил аввал...

Жуда кеч бўлса ҳам, ўта тиришқоқлик ва чанқоқлик билан исломий илмларни ўрганишни бошлаган пайтларим... Мен каби болалиги совет даврига тўғри келиб, диний илмлардан бебахра қолганлар учун ҳар бир диний китобча ёки бирор бир мақола, ҳар қандай маълумот қадрли бўлган даврлар. У пайтлар ҳозиргидек диний адабиётлар кўп эмас эди, бори ҳам турк тилидан таржима қилинган романлар ёки манбаси ноаниқ ва саҳихлиги номаълум бўлган кичик китобчалардан иборат эди. Ҳар ойда чиқадиған «Ҳидоят» журналини ва уч ойда бир чиқадиған «Тақвим»ни орзиқиб кутардик. Бундан 10 йил олдин Шайх ҳазратларининг «Зикр аҳлидан сўранг» номли китобчалари чиқа бошлаган вақтдаги хурсандчилигимизни кўрсангиз эди. Кейин бирин-кетин у кишининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» тўпламининг баъзи жузлари, «Сунний ақийдалар», «Иймон» каби китоблари нашрдан чиқа бошлади. Аллоҳнинг ҳидоятидан сўнг очилиб, ҳақиқий илмга ташна бўлган қалбларимиз учун бу китоблар тиниқ бир чашма каби эди...

Шундай кунларнинг бирида «islom.uz деган сайт очилибди, у ерда диний саволларга шахсан Шайх ҳазратларининг ўзларидан жавоб олиш мумкин экан», деган гапни эшитиб қолдим. Умримда компьютер билан ишим бўлмаган одам мана шу сайтга кириш иштиёқида компьютер курсига қатнашиб, унда ишлашни, интернетдан фойдаланишни ўргандим. Ҳаттоки ўша пайтда компьютер сотиб олишга қўлимда етарли маблағ бўлмаганлиги сабабли тезроқ уни сотиб олиб, тезроқ шу сайтга кириш учун тилла тақинчоқларимни сотишимга ҳам тўғри келган. Ёзув столининг деярли ярмини эгаллаган илк жиҳозим орқали интернетга уланишим билан биринчи бўлиб кирганим мана шу диний сайт – islom.uz бўлди...

islom.uz менинг 10 йиллик қадрдоним, виртуал оламдаги устозим десам, ҳеч муболаға бўлмайти, чунки ўша пайтда китоблардан излаб топа олмаган саволларимга ундан жавоб топган кезларим кўп бўлган. У пайтлар сайт анчагина

сода кўринишда, ҳозирги кунда унинг қошида фаолият юритаётган сайтларнинг бирортаси йўқ эди, лекин шунга қарамасдан, у мен кабилар учун китоблардан кейин турадиған ҳикмат чашмаларидан бири, энг қадрли сайт эди. Ҳозирги кунга келиб эса айримлар китоблардан кўра кўпроқ islom.uzга мурожаат қиладиган ҳам бўлиб кетишти.

Ўша пайтларда Шайх ҳазратларининг китобларини ўқиган ёки сайт орқали у кишига савол берган пайтларимда худди устоз хузурида ўтириб, таълим олаётгандек ҳаяжонланар, хаёлимдан «Ҳаётда қандай инсон эканлар-а? Бу китобларни қандай ёзган эканлар-а? Ўзларини кўриш бахти насиб этармикин?», islom.uzни юритаётганлар кимлар экан-а, иш жараёни қандай кечар экан, умуман, кишиларга шунча яхшилик улашаётган кишилар қандай инсонлар экан-а?» деган ўйлар ўтаверарди. Бир кун келиб, islom.uz жуда кўп сайтларни ўз ичига олувчи кенг қамровли порталга айланиб кетишини, мен ҳам шу сайтлардан бирида хизмат қилиш бахтига муяссар бўлишимни хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Вақти келиб, Шайх ҳазратларини ҳам, islom.uz сайти жамоасини ҳам ҳаётда кўриш насиб қилганда ва уларнинг дин йўлидаги машаққатли хизматлари қанчалик сабр-тоқат, улкан матонат ва тинимсиз меҳнат устига қурилаётганини ўз кўзим билан кўрганимда, уларга бўлган ҳурматим янада ортди ва гарчи арзимасам-да, менга ҳам мана шу муборак ҳалқанинг бир четига қўшилишни насиб этган Аллоҳга ҳамдлар айтдим.

islom.uz томонидан ташкил қилинадиған турли анжуманларда, танловларда ва тақдирлаш маросимларида иштирок этган вақтларимда жамиятимизда шундай инсонлар борлигига, улар билан ҳамнафас этганига шукрлар айтардим ва бу ҳам биз, мусулмонлар учун Аллоҳнинг бир неъмат эканини ва унинг қадрига етишимиз лозимлигини қалбдан ҳис қилар эдим. Айниқса устозимиз Шайх ҳазратларидек олим инсоннинг ҳаётлари, турмуш тарзлари билан яқиндан танишишим ва у кишининг китоб таълиф қилиш, халқ орасида

сухбатлар уюштириш билан бир қаторда islom.uz ва унинг қошидаги сайтларга қанчалик аҳамият беришлари, интернет ҳозирги замонавий одамларга динни етказиш йўлидаги асосий минбарга айланиб бораётган бир даврда ҳар бир илм аҳли компьютердан фойдаланишни билиши кераклигини уқтиришлари, айниқса муслималар учун ташкил этилган «muslimaat.uz» сайтимизнинг фаолиятига, муслима аёлларнинг илм-маърифат тарқатишдаги ўрнига алоҳида аҳамият беришлари, умуман, у кишининг ҳаётларидаги ҳар бир нарса биз учун чинакам ибрат мактаби бўлди...

Мана, бугун islom.uzнинг ташкил топганига 10 йил тўлибди. Бу йиллар орасида баъзи сабабларга кўра бир неча йил Интернетга ҳам, islom.uzга ҳам кира олмаган вақтларимда худди қадрли бир нарсамни йўқотиб қўйгандек бўлиб юрдим. Лекин таниш-билишлардан islom.uzнинг ривожланиб бораётгани, унинг қошида янги сайтлар, шу жумладан, «muslimaat.uz» ҳам жорий қилингани ҳақида эшитиб турардим. «muslimaat.uz» сайтини устоз Одинахон бошқара бошлаганларидан бирмунча вақт ўтиб, менга ҳам сайтда ишлаш таклифини билдирганларида, ҳеч иккиланмай, бажонидил рози бўлдим. Яна компьютерда ишлаш имконияти туғилган заҳоти биринчи бўлиб islom.uzга кирдим-у, уни танимай қолдим. У жуда ўзгариб кетган эди...

Эҳ, ҳозирги ёшларга ҳавасим келиб кетди. Илм ўрганиш учун, илмий малакасини, диний илмларини ошириш учун қанчадан-қанча янги имкониятлар яратиб қўйилибди. Бир вақтлар биз устозлар ҳузурига бориб, хизматларини қилиб, ялиниб-ёлвориб ўрганган нарсаларимизни уйда ўтириб олиб, интернет орқали, islom.uz сайтида бемалол ўрганиш мумкинлигини кўриб ва қачонлардир излаб топа олмаган араб тилидаги китобларнинг электрон вариантларини юклаб олиш ёки араб тилини ўрганиш, хоҳласак, аудио ёки видео тасмалардан фойдаланиш, қўйингки, муслмон кишининг ҳаётида зарур бўлган ҳар қандай ҳолатларга хос саволларга жавоб топиш мумкин бўлган ва ҳоказо, санаб адоғига етиш мушкул бўлган яхшиликлар маконига айланган сайтни кўриб, кўзларимга ёш келганди ўшанда...

Бугунги кунга келиб, қадрдон сайтимиз энг сўнгги замонавий дизайнга эга бўлиб, ўз қиёфаси-

ни тамом ўзгартирди. У ўз бағридан яна ўзи каби бир нечта фойдали сайтларни етиштириб чиқарди. Бу сайт қанчадан-қанча инсонларнинг тўғри йўлга юришига, динини соф ҳолида ўрганишига сабаб бўлди, неча-неча мукофотларни кўлга киритди. Ҳозирда нафақат диёримиздаги, балки дунёнинг кўплаб юртларидаги муслмонлар ҳам ўз ҳаётини islom.uzсиз тасаввур қила олмайди. У 10 йил ичида инсонлар учун ҳаётий заруратга айланиб улгурган ана шундай сайтдир!

islom.uzнинг кишилар қалбидан бунчалик катта ўрин олганининг асосий сабабларидан бири, аввало унга асос солган кишиларнинг, унда етакчилик қилаётганларнинг ва унинг ривожланиб, равақ топишида тинмай хизмат қилаётган жамоанинг ҳаммаси холис ниятли кишилардан ташкил топгани деб биламан. Бу жамоада йиғилган кишиларнинг барчалари ўзига берилган вазифани пок ният билан, фақат Аллоҳнинг розилигини истаб, ўта масъулиятли тарзда адо этишларининг натижаси ўларок, islom.uz ҳозирги кунда интернет сарҳадларида фаолият юритаётган диний сайтларнинг энг зўри дея эътироф этилган.

Азиз Устозлар! Қадрли islom.uz сайтимиз! Муҳтарам сайт ходимлари!

islom.uzнинг 10 йиллиги муносабати билан барчаларингизни «Омина» электрон журнали номидан табриклаймиз. Аллоҳ сизлардан рози бўлсин, дин учун қилаётган хизматларингизга улуғ ажру савобларни берсин. Аллоҳнинг динини олий қилиш йўлида тўккан кўзларингиз нурининг, пешона терингизнинг, куч-қувватингизнинг, вақтингизнинг, меҳнатингизнинг ва ҳаттоки сарфлаган маблағингизнинг ўрнини Аллоҳим беҳисоб яхшиликлар билан тўлдирсин. islom.uz яна кўп йиллар ўз нуфузини йўқотмаган ҳолда, муслмонлар учун фойдали ва керакли бўлиб қолсин ва ундан фойдаланувчи мўмин-муслмонларнинг сафи янада кенгайиб бораверсин!

*Аллоҳдан Сизларга икки дунё
саодатини тилаб қоламиз!
Ассаламу алайкум ва
рахматуллоҳи ва барокатуҳу!*

Малоҳат Анвар

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан сўнг мусулмонлар ўзларига бир раҳбар тайинлашлари лозим бўлди. Раҳбарликка Абу Бакр розияллоҳу анхуни муносиб деб топдилар. Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрга динимизни ишониб топширдилар, биз дунёимизни топширмаймизми?!» дедилар. Бу гапда Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан олдин намозга имомлик қилиб бера олмай қолганларида Абу Бакр розияллоҳу анхуни имомликка ўтказишни буюрганларига ишора бор эди.

Дин иши ана шундай муҳим нарса! Уни ҳар кимга ишониб топшириб бўлмайди. Ахир Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бири имомликка лойиқ бўлган саҳобаларнинг орасидан энг афзалининг – ўзлари айтганларидек, «Анбиёлардан сўнг ер юзини босган энг афзал инсон»нинг намозга

имомлик қилишини буюрдилар. Биз учун бу воқеада катта ибрат бор: демак, дин ишларида ҳар кимга ҳам эргашиб кетавермаслигимиз керак экан. Жумладан, илм ўрганиш борасида ҳам шундай йўл тутишимиз, яъни уни ҳар кимдан ўрганишга шошилмай, тўғри йўлдаги, ҳақиқий илмли кишиларнинг энг афзалидан ўрганишга интилишимиз лозимдир.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бугунги кунда интернет оламида исломий сайтлар анча кўпайиб қолди. Биз Исломни ўрганишда, ҳақ ва ботилни ажратишда улардан кенг фойдаланиб келмоқдамиз. Лекин islom.uz портали сайтларига, жумладан, islom.uz сайтига тенг кела оладиган ўзбек тилидаги исломий сайт

БИЗ СЕНГА ИШОНАМИЗ, islom.uz!

ҳеч қаерда йўқ, деб ҳеч бир муболағасиз айта оламан.

Бу сайтнинг афзаллиги аввало унинг ишончли эканлигидадир. У соф Ислом таълимотини оммага етказиб бериш учун хизмат қилмоқда. Ақийдада

ISLOM.UZ

شَهِيدَاتُ الْإِسْلَامِ لِلَّهِ شَهِيدَاتُ الْإِسْلَامِ لِلَّهِ

САЙТ БОШИ

АҚИДА

ФИҚҲ

ТАЗКИЯ

ЖАМИЯТ

КУТУБХОНА

ТАНЛОВЛАР

ХИЗМАТЛАР

ДАРСЛАР

ЕBOOKS


ШАРТЛАР



61. Осмонда буржлар қилган ва унда чироқ ва нур сочгувчи ой қилган Зот баракотли-буюк бўлди. Осмондаги юлдузларнинг буржларини Аллоҳ яратмаса, ким ярата олар эди? Осмондаги чироқ-куёшни Аллоҳ қилмаса, ким қила олар эди? Осмондаги нур сочиб турувчи ойни Аллоҳ яратмаса, ким ярата олар эди? Ана ўша нарсаларни яратган зот баракотли ва буюк бўлмаса, ким баракотли ва буюк бўла оларди? **ДАВОМИ...**


Янги мақолалар

- ХОТИРА АЗИЗ
- Тақводор бўлайлик!
- "Ҳадис ва Ҳаёт" туркумининг 22-жузи қайта нашр этилди
- "Ҳадис ва Ҳаёт" туркумининг 21-жузи қайта нашр этилди
- "Ҳадис ва Ҳаёт" туркумининг 14-15-жузи қайта нашр этилди
- "Ҳадис ва Ҳаёт" туркумининг 10-жузи қайта нашр этилди
- "Ҳадис ва Ҳаёт" туркумининг 8-жузи қайта нашр этилди
- "Соғлом бола" китоби қайта нашр этилди
- Рамазон оyi даракчилари
- Улуғларнинг синовларга сабр-бардоши



ТУҲМАТНОМАЛАР

ЎЗБЕК УЛУСИ



Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг мазҳабида, фикҳда Аҳли сунна ва жамоанинг тўрт мазҳабидан бири бўлмиш Ҳанафий мазҳаби асосида таълим бермоқда. Бизга бундан ортиқ яна нима керак?!

Ҳозирги кунда интернет оламида ҳижрат қилишга, жиҳод қилишга, бемазҳабликка чақирувчи сайтларнинг борлиги аччиқ бир ҳақиқатдир. Ҳар қайсиси ҳар томондан ўз фикрини тўғри қилиб кўрсатишга уринади. Барчасининг оят ва ҳадисдан далили бор. Шундай вақтда Аллоҳнинг раҳмати ила тўғри йўлни кўрсатиб берувчи бир устоз бўлмаса, оми халқ адашиб кетиши ҳеч гап эмас. islom.uz сайти эса айна шу устозликни қилмоқда. Аллоҳ таолонинг инояти ила биз islom.uz сайти ва islom.uz портали таркибига кирувчи сайтлар орқали Қуръон ва ҳадисни тўғри тушуниб, ўрганмоқдамиз. Бу борада портал таркибига кирувчи www.quran.uz ва www.hadis.islom.uz сайтлари ҳам борлиги қувонарли ҳол, албатта. Ҳатто www.arabic.uz сайти орқали оят ва ҳадисларнинг асл матнини, шу билан бирга, араб тилини ҳам ўрганишимиз мумкин.

Албатта, фақатгина Қуръон ва ҳадиснинг асл матнини ўқиш билан ўзимизча шаръий ҳукмлар чиқара олмаймиз. Шунинг учун www.fiqh.uz сайтидан фойдаланиб, шариатимиз аҳкомларини ҳам ўрганиб бормоқдамиз.

Оят ва ҳадисларнинг асл маъносини тушуниш учун сийрат илмини билиш ҳам жуда муҳим. Шундай экан, портал таркибида умматга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт йўлларини ўргатувчи www.siyrat.uz сайтнинг очилиши айна муддао бўлди.

Муслималарга диндан, фарзандлар тарбиясидаги нозик сирлардан таълим бераётган, ҳатто таом-у ширинлик тайёрлашгача ўргатиб келаётган www.muslimaat.uz сайти аёлларимиз ҳаётида жуда катта аҳамиятга эгадир.

Порталда фақат аёллар учун алоҳида сайт очиш билан кифояланмасдан, оилавий ҳаётга бағишланган www.oilam.uz сайтнинг очилгани Ислолда оила муқаддас саналишининг бир нишонасидир.

Оилада турли ҳолатлар бўлади, ҳаётда турли вазиятларга дуч келамиз. Қандай йўл тутишни билмай қолган шундай вақтларда устозимиз фазилатли Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларидан савол сўраш учун www.savollar.islom.uz сайти доим хизматда эканидан бахтиёрмиз.

Фақат шугина эмас, ҳатто www.tib.islom.uz сайти орқали тиббий масалаларда шифокордан маслаҳат сўраб, саволларимизга жавоб олишимиз мумкин, ушбу сайтдаги кўплаб мақолаларни ўқиб, соғлом

турмуш тарзига эришиш ҳаракатидамиз. Бунинг учун эса ейдиган лўқмамизга ниҳоятда эътиборли бўлишимиз зарур. Бу борада бизга www.halol.org сайти ёрдамга келади.

Мусулмон киши ҳар бир ишини шариатга мувофиқ тарзда қилмоғи лозим. Шундай экан, Ислол ҳар бир соҳага кириб боргани шубҳасиз. Портал ходимлари ҳам айна шундай йўл тутиб, иқтисод бўйича www.e-bozor.uz, тарих бўйича www.e-tarix.uz, тил ва адабиёт бўйича www.e-adabiyot.uz ҳамда юртимиздаги ва чет эллардаги русийзабон мусулмонлар учун www.islam.uz сайтлари ила жамиятнинг ҳар соҳасига Ислол нуруни олиб кирмоқдалар.

Шунингдек, порталнинг сўнгги йилларда очилган www.media.islam.uz ва www.masjid.uz сайтлари барчамизнинг қувончимизга қувонч қўшди. Улардаги маълумотлар биз учун жуда манфаатлидир. Яна шундай манфаатли сайтлардан бири – бу www.info.islom.uz сайтидир. Албатта, ҳозирги тезкор ахборот алмашинуви даврида Ислол оламида ва бутун дунёда юз бераётган воқеалар билан бизни таништириб туришда ушбу сайт улкан хизматларни қилмоқда. Кўрииб турибдики, “islom.uz” портали замон билан ҳамнафас фаолият олиб бормоқда. Бунинг яна бир исботи – ҳар ойда чиқариладиган «Ҳилол» ҳамда «Омина» номли ижтимоий-маърифий электрон журналлардир. Бу журналларни бир марта юклаб олгач, интернетга уланмасдан туриб ҳам улардан фойдаланиш мумкинлиги кўпчилик учун қулай бўлган бўлса, ажаб эмас.

Юқоридаги сайтларнинг барчасида қўйилаётган мақолалар ва маълумотлар хусусида муҳокама қилиш маскани бўлмиш www.forum.islom.uz сайти барчамиз учун кадрлидир. Бу сайт бизнинг иймонлашув масканимиздир. Биз у орқали кўплаб биродарлар орттирмоқдамиз, баъзилари билан кўришган, баъзилари билан кўришмаган бўлсак-да, барчанинг ҳаққига ғойибона дуодамиз. Форумда бир-биримизга имкон қадар яхшилик қилишга, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Гоҳида савол сўраганимизда, маслаҳат сўраганимизда дўстларимиз имкон қадар жавоб беришади, бирор маълумот қидирсак, сўрасак, уларнинг ёрдами сабабли топамиз, алҳамдулиллаҳ. Хуллас, буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг инояти ила хайрга сабабчи бўлаётган нарсалардир. Албатта, биз бунинг учун шукрда бардавом бўлишимиз лозим.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога беҳисоб ҳамдлар айтамыз. Сайт ходимларига миннатдорчилигимизни изҳор этган ҳолда ҳақларига эзгу дуолар қилиб қоламиз. Аллоҳим хайрли ишларингизни бардавом қилсин, Ўзи мадаккор бўлсин!

ЎН ЁШИҢГ МУБОРАК!

Зулматда вужудинг нурфошинг сенинг,
Ҳилолсан, Исломдир қуёшинг сенинг,
Порламиш ҳам ичинг, ҳам тошинг сенинг,
Ўн баҳор кўрибди бу бошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Йигирма сайёра тутмиш фазойинг,
Фалакда сузарсан, ортар зиёинг,
Нажот нуқтасидир, сўнг борар жойинг,
Иймону маърифат йўлдошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Беназир саҳифанг – бу Uzwebiston,
Ўзбек миллиятин қилмиш намоён,
Ўзлигин ўзгага сотмаган ўғлон,
Ўз юзинг, ўз кўзинг, ўз қошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Qur'on.uz саҳифанг кўнгилларга нур,
Кўрган, тинглаганга руҳоний ҳузур,
Кимга Қуръон маҳбуб, сен унга манзур,
Адашмассан, Қуръон йўлбошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Расул ҳадислари Ислом таянчи,
Иймону ахлоку маърифат ганжи,
Hadis.uz хизмати элнинг юпанчи,
Чунки ҳадис аҳли юртдошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Буюкларни буюк аёл туғармиш,
Келажак ғиштини она қўярмиш,
Muslimaat.uz буюк она йўнармиш,
Тарбиядир умр йўлдошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Oilam.uz сендан гўзал бир парча,
Саодат қасрига очилган дарча,
Бахту саодатга муҳтождир барча,
«Бахтиёр оила»дир издошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Динбузар, эътиқод душманлари бор,
Улар миллатга ёв, ёвуз мардикор,
Nilol.com сарҳадда турар жангавор,
Дин, юрт ҳимояси талошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Оламларга раҳмат Расул ҳаёти,
Нажот харитаси, «сийрат»дир оти,
Siyrat.uz парвозда толмас қаноти,
Сийратинг кўрсатар бардошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Info.uz сайёранг ғоят серсамар,
Оламда не аҳвол, огоҳ, бохабар,
Сен ўзинг бир олам, айтсам мухтасар,
Ахборот аҳлидир сирдошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Ислом аҳкомлари оламга раҳмат,
Унинг ҳар қонуни айни ибодат,
Fiqh.uz бу йўлда элга хидоят,
Ҳанафий фикҳидир қарошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Тарихсиз келажак кутмоқ хом орзу,
Миллатинг тарихи буюк ва мангу,
Тарих чехрасига tarix.uz кўзгу,
Жонкуяр, виждонли ҳақфошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Адабий майдонда adabiyot.uz,
Ўхшаши йўқ жавлон кўрсатар ҳануз,
Насру, назм, наво, бармоғу аруз,
Ўз тилинг ўргатар қондошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Ҳалоллик, покликнинг рамзисан тамом,
Ҳалоллик бўлмаса, ҳаётдир ҳаром,
Halol.org ҳалолга йўлдошдир мудом,
Ҳалоллик тарозинг, ҳам тошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!



Арабийдир Қуръон, ҳадис забони,
Ислому маърифат, ҳикмат уммони,
Кўза керак бўлса, қонмоқ замони,
Ўзбекка arabic.uz дошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Инсон ижтимоий бир жонзот эрур,
Мулоқот унинг-чун ҳаводек зарур,
«Forum»инг инсонлар ҳожатин берур,
Эзгу бўл, бўлмасин авбошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Оламни қопламиш дарду жаҳолат,
Элнинг нажотига керак табобат,
Tib.uzинг кўрсатар бунда жасорат,
Вужуд тарбияси тарошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Savollar.uz сенинг энг қизгин қисминг,
Конларни кашф этар нодир тилсиминг,
Миллат-чун бебаҳо бойликдир жисминг,
Илм хазинаси дурпошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Инсонда табиий моддий эҳтиёж,
Қулоғи сўз туймас қорни бўлса оч,
Тана таъминоти руҳ учун илож,
Vozog.uz бел тутар нон-ошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Бепоён гулшансан гулларинг бисёр,
Ҳар гулнинг ўз ҳиди, ўз рухсори бор,
Ҳар бир боғбон учун очиб бир гулзор,
Blog.uz, камалак рангдошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Нафақат ўзбекка элтасан жонлар,
Саноксиз халқларга очарсан конлар,
Сенда ҳақни топар русийзабонлар,
Islam.ru бир русий отдошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Ўзбек миллийлиги – мусулмончилик,
Намозу ниёзсиз эл бўлар ўлик,
Масжидлар харита ичрадир битик,
Masjid.uz йўл узра фирошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Бугунги урушлар фикр жангидир,
Башарни маст этган сўз оҳангидир,
«Media»нг бу жанггоҳ ичра янгидир,
Ақл майдонида савошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Спорт бугун олмиш дил тўридан жой,
Кимлар ҳаётига бахш этар чирой,
Sport.uz, зулматда сен бўлиб бир ой,
Фақат ёғду сочсин чорбошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Бор икки қанотинг — ихлос ва иймон,
Эркин парвоздасан мангулик томон,
Ўзгалар ортингдан етолмай хайрон,
Арши Аълодандир маошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Islom.uz ажойиб шоввозларинг бор,
Беминнат хизматкор, жонбозларинг бор,
Шунга элдан кўрар эъозларинг бор,
Гўзалсан, Устоздир наққошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Хусайн бир ходиминг, тилар камолинг,
То абад яшнасин, бахтинг, иқболинг,
Завол топсин, кимки истар заволинг!
Қувончдан қуйилсин кўз ёшинг сенинг,
Islom.uz муборак ўн ёшинг сенинг!

Ўн ёшда шунчалар топибсан камол,
Яна ўн асрлар кўрсатгин жамол,
Ўзидан қўймасин сени Зулжалол,
Қиёматга қадар қўлдошинг сенинг,
Islom.uz, муборак, ўн ёшинг сенинг!

Хусайнхон Яҳё Абдулмажид
17.10.2013/1434.12.12. Тошкент



Муслималар форумидан...

Изҳор

*Ифода этиб беролмасман,
Сени қанчалар яхши кўришим.
Илму ирфон конидирсан сен,
Менинг севимли islom.uzим.*

*Қуръону суннатга таяниб,
Айтадурсан ҳар бир сўзинг.
Ҳаёт йўлимизни ёритар,
Қўёш каби нури юзинг.*

*Она юртда ўзбек тилида,
Сен биринчи исломий сайт.
Сенда бордир муслималарга,
Йўлбошичи сайт «muslimaat».*

*Унда бордир форуми,
Муслималар жамул-жам.
Опа-сингил, дугона,
Битта жойда мужассам.*

*Мен сенга келтирдим ундан,
Муслималар табригин,
10 йиллик тўйинг билан,
Самимий тилакларин...*

Yasmindan: Ассалому алайкум, islom.uz порталининг жонкуярлари. Бугунги 10 йиллик байрам жуда ҳам қувончли! Шу йиллар давомида биз жуда кўп фойдали илмларни ўргандик. Албатта, бу иймонимизни янада мустаҳкамлашда бизга далда бўлди. Бунинг учун портал ижодий жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз. Қилаётган эзгу ишларининг давомли бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

Lolaxondan: islom.uzда меҳнат қилаётган қанчадан-қанча инсонларга раҳмат айтгим келади. Уларнинг меҳнатсеварлиги, сабр-тоқати туфайли кўп инсонлар наф кўрмоқда, илм олмоқда. Бундай савобли ишларни амалга ошираётган, уйларимизга зиё киришига ўз ҳиссасини қўшаётганларга минг раҳмат! Бу портал гуллаб-яшнаб, 100 ёшни ҳам нишонлашига тилакдошман.

Munisa Baxtiyor qizidan: islom.uz билан танишганимга олти йилдан ошибди. Ундаги мақолаларни, таржималарни ўқиб, кўп нарсалар оламан. Аллоҳ рози бўлсин. Фаолиятини давомий ва хайрли қилсин.

Сувсизликдан чанқаб, соғлиғи ёмонлашаётган одамга сув энг яхши малҳам бўлганидек, бу сайт илмга чанқоқ кишилар учун чинакам булоқдир. Менинг дин бўйича илмим, тасаввур ва тушунчаларим жуда кам эди. Алҳамдулиллаҳ, аввалига илмсизликдан Шайх ҳазратларига, Одинахон опага берган саволларимдан ҳижолат бўлдим. Аста-аста сайтдан кўп нарсаларни ўқиб-ўргандим. тан-жонлари соғ бўлсин. Аллоҳ бизларнинг ҳам илмимиз Ўзи рози бўладиган даражада бўлишини насиб этсин. Омин.

Ummu Abdir Rohiydan: Ислом илм дини экани барчамизга маълум ва машхур. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда ҳам илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон зиммасига фарз эканлиги таъкидланган. Илм олишнинг усуллари замон билан ҳамоҳанг қадам босаётган бугунги кунда интернет саҳифалар ва электрон китобларнинг алоҳида ўрни борлигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ глобал тармоқ орқали маълумот олишда алоҳида сергаклик талаб этилади. Сабаби барчамизга аёнки, кўп маълумотлар ҳам тўғри ва ишончли эмас. Инсонларнинг ҳаёт йўлини белгилаб берувчи диний илмни ўрганаётганда эса маълумотнинг ишончли сайтлардан эканига қаттиқ аҳамият бериш лозим.

Бу борада islom.uz порталининг мавжудлиги ўзбекзабон мусулмонларнинг катта ютуғи. Мазкур сайт орқали Қуръон ва ҳадис илми, фикҳ илми ва бошқа бир қанча илмларни ўрганиш билан бир қаторда Ислом оламидаги янгиликлар, муслималар учун тавсиялар, фарзанд тарбияси борасида динимизда кўрсатилган йўл-йўриқлардан ҳам бохабар бўлмоқдамиз.

Яқин кунларда сайт очилганига 10 йил тўлади. Бу вақт оралиғида қанчадан-қанча мусулмонларга илм зиёсини таратиб келаётган islom.uz порталининг барча ходимларига ўз ташаккуримизми изҳор этмоқчимиз. Ушбу хайрли ишларнинг давомли бўлишида Аллоҳнинг Ўзи кўмакчи бўлсин ва Ўзи муносиб мукофотласин!

Fotimadan: Ассалому алайкум, мен учун қадрли бўлган **islom.uz**.

Сизга катта раҳмат, мен учун азиз бўлган дўстим «**islom.uz**»! Сиз деб ёзмасам, қандайдир мен учун бироз одобсизликдек бўлади, гўёки. **Islom.uz**, сизнинг борлигингиз учун Аллоҳга ҳамдлар айтаман. Сизни Аллоҳ учун ўзимга дўст деб биламан, дўст бўлганда ҳам, энг яқин ва самимий дўст.

Мен сизни танигунимча ва сизни Аллоҳ менга уч-раштиргунича ҳаётим зулмат ва қоронғиликда эди. Мен динимни саҳиҳ манбадан ва устоздан ўрганишни жуда-жуда истардим. Аллоҳдан мен учун саҳиҳ ва самимий устозга учратишини дуо қилардим.

Бир куни масжидимизга Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг «**Тафсири Ҳилол**» китоблари олиб келинаркан, деб эшитиб қолдим. Алҳамдулиллаҳ, китобни олдик. Қарасам, китобнинг устида **www.islom.uz** деган ёзув турибди. Уйимизда компьютер бор эди, бир куни сайт номини ёздим. Не кўз билан кўрайки, мен 10 йил излаган нарсамни топгандим: **Islom.uz!** Сизнинг саҳифаларингизни ўқиганим сари гўёки бошқа оламга тушгандек бўлиб қолардим. Ҳаммасидан ҳам менга ёққан тарафингиз ўз уйимда, фарзандларимнинг олдида динимни ўрганиш имкони туғилган эди. Сизни олтинга тенг мақолаларингизни ўқирдим, тушунмаганларим бўлса, **savollar.islom.uz** орқали Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларидан сўраб олардим. Саволларимга мени қониқтирадиган, ҳатто ўзим кутмаган жавобларни олардим. Бундан жуда бахтиёр эдим ва сизни доимо дуо қилардим. Аллоҳдан сизнинг бу савобли ишларда ҳеч ҳам тўхтаб қолмаслигингизни сўрадим.

Сизни таниганимдан кейин **forum.islom.uz**га кириб, энг самимий муслималарни ва мўминларни топдим. Қизим араб тилини ўрганишни хоҳларди. Бу борада **arabic.uz** сайти бизга устозлик қилди. Биз ўзимизга керакли айрим саволларни **savollar.islom.uz**га ёзишга истиҳола қилардик. Аллоҳнинг хоҳиши билан **muslimaat.uz** сайти бизга энг керакли вақтда ёрдамга келди. Биз учун суюкли бўлган ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини ўрганишни ва билишни жудаям хоҳлардим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини ўрганиш учун ёрдам қўлини чўзган **siyrat.uz**дан миннатдоримиз. Аёлларга хос саволларимизни ўз уйимизда ўтириб, ҳеч бир ортиқча ҳаракатсиз ёки қийинчиликсиз ғойибона устозимиз Одинахонга берамиз ва улардан қониқарли жавоб оламиз, алҳамдуллиллаҳ. Ҳозир биз муслималар учун алоҳида форум бор, унга фақат аёл-қизлар киришади, бу биз учун жуда ҳам қулай. **MUSLIMALAR FORUMI** биз аёллар учун Аллоҳнинг инъоми бўлди.

Хуллас, ёзаман десам, ичимдаги ташаккурларим тугамайди, мен динимни сиздан ўргандим, **islom.uz**. Сиз менинг устозим, Аллоҳ йўлидаги дўстим, кадрдонимсиз. Бахтимга кўп йиллар соғ бўлинг ва ишларингиз бундан-да ривожланишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Ma'muradan: Ассалому алайкум, халқимиз диний саводхонлиги, маънавий-маърифий баркамол-

лиги, ахлоқий томондан юксалиши, четдан кириб келаётган ёт ғояларга қарши ўзида иммунитет ҳосил қилишида ўзининг фидойи ва самарали ҳиссасини қўшиб келаётган мухтарам **islom.uz** сайти ходимлари! Сизларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатларингиз, илмий изланишларингиз натижасида шу қисқагина 10 йил давомида ушбу сайтнинг муваффақиятли ютуқларга эришганлиги муносабати билан юртимизнинг барча мусулмонлари номидан чин дилдан самимий тилаклар йўллашга ижозат этгайсиз...

Сизларга ва барча яқин кишиларингизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, яхшиликларга тўла гўзал ва сермазмун ҳаёт, хайрли ва баракотли умр, эзгу ва савобли амал, дилдаги эзгу ниятлару орзу-умидларингизнинг рўёбини сўраб, дунёдаги барча яхшиликлар доимо ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз! Бу саъй-ҳаракатларингиз айниқса биздек толиби илм ёшларнинг дунёқарашини янада кенгайтиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда, десак муболаға қилмаган бўламиз, албатта!

Мустақиллигимиз шарофати ила юртимизда жуда кўп соҳаларда ривожланиш бўлди. Техника-технология тараққиёти билан бир қаторда вужудга келаётган турли хил нохуш вазиятларнинг олдини олишда, шунингдек, энг ишончли, фойдали маълумотларга эга бўлишимизда хизмат қилаётган бу сайт келгусида бундан-да юксак муваффақиятларга эришишига катта ишонч билдираамиз!

Шу фурсатдан фойдаланиб, мухтарам устозимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларига ва у кишининг барча яқинларига ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз! Яратганнинг бизга тухфа қилган энг буюк неъматларидан бири тинчлик-хотиржамлик неъматини бўлса, яна бири – бу албатта, халқимизнинг маънавий-маърифий юксалишида, ўқиб-ўрганишлари йўлида тинмай меҳнат қилиб, диний саводсизликка барҳам беришда жуда катта ҳиссаларини қўшиб келаётган илм аҳлларининг айнан бизнинг юртимизда фаолият олиб бораётганларидир! Уларнинг барчаларини Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи ҳифзу ҳимоясида асраб, илмлари бундан-да зиёда, иймонлари янада мустаҳкам бўлишини насиб қилсин!

Ҳар бир ўтаётган қимматли сониямизнинг унумли, икки дунёимиз учун фойдали бўлиши, ўтмишимизнинг нодир дурдоналари билан танишиш ҳамда ҳозирги кунимизда рўй бераётган муҳим воқеа-ҳодисалардан воқиф бўлишдек улкан бахтга муяссар бўлишимизда доимо кўмакчи бўлиб келаётган барча сайт ходимларига келгуси ишларида улкан зафарлар, хайрли муваффақиятлар тилайман.

Ассалому алайкум, ҳурматли ва азиз муштарийлар!

Сиз азизларни islom.uz сайтининг 10 йиллиги билан муборакбод этишдан бағоят мамнунмиз. Гарчи 10 йил жуда катта муддат бўлмаса-да, мана шу вақт ичида islom.uz портали катта ютуқларга эришиб улгурди, десак муболаға бўлмайди. Бу порталдаги йигирмадан ортиқ сайтлар ўз мазмун ва моҳияти ила портал мухлислари орасида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди. Islom.uz

порталининг Ислом динининг ривожланишида, жамият орасида диний савиянинг юқори ўринларга чиқишида алоҳида ўрин тутишини мамнуният билан айтиб ўтишимиз керак. Портал таркибига кирувчи ҳар бир сайтнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Tib.Islom.uz сайти ҳам шулар жумласидандир. Гарчи бу сайт портал таркибига кирувчи ёш сайтлардан бўлса-да, қисқа муддат ичида ўз мухлисларига эга бўлишга улгурди. Ҳатто 2012 йил интернет фестивалида «Тиббиёт» номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Бу сайтнинг мақсади фойдаланувчиларнинг тиббий савиясини ошириш, уларнинг саломатлигини сақлашда ёрдамчи бўлишидир.

Бу борада сайт ўзининг янгиликлари билан хизмат қилиб келмоқда. Сайтимиздаги «Шифокорлар маслаҳати», «Психологмаслаҳати» каби бўлимлар ўқувчиларимиз томонидан жуда яхши қарши олинди ва шу вақт мобайнида фойдали маслаҳатлари билан хизмат қилиб келмоқда. Ниятимиз – порталимизнинг шифокорлари ва фойдаланувчиларини доимо соғ-саломат кўришдир. Уларнинг оилавий турмушларида, меҳнат фаолиятларида муваффақиятлар тилаймиз.

Яна бир бор сиз азизларни порталимизнинг 10 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этамиз ва Аллоҳ таолодан сиҳат ва саломатлик тилаб қоламиз.

Сайт боши
tib.islom.uz

Юракни ҳимоя қилувчи "ёмон" одат

Олимлар инсонда жуда фойдали бўлган "ёмон" бир одатни аниқлашди. Бу одатдан воз кечиш керак эмас, чунки у саломатликка фойдаси бор экан. Лидс университети тадқиқотчилари сўзига қараганда, доимий равишда ҳаёлни бир жойга йиққан ҳолатда қулоқ юмшоғи ва ичигага қўл текказиш жуда фойдали бўлиб, сизнинг организмизга шифо бахш этувчи хусусиятларга эга экан.

– Бугун UZ миллий домени интернет-фестивалининг кўп марта совриндори бўлган Islom.uz портали 10 ёшга тўлди. Севимли порталимизнинг бу йил ҳам ушбу интернет-фестивалда ғолиб деб топилиши ўн йиллик юбилейимизга муносиб тўёна бўлди. Шу муносабат билан muslimaat.uz сайти ходималари ва мухлислари номидан барчангизни ушбу байрам билан муборакбод этамиз.

Muslimaat.uz сайтнинг тарихи islom.uz портали фаолиятининг дастлабки пайтларидан бошланган. Дастлаб хотин-қизлар, опа-сингилларимизга оид маълумотлар учун мўлжалланган алоҳида бўлим, сайтнинг бир рукни сифатида иш бошлаган мазкур саҳифа кейинчалик муслималарнинг доимий илм-маърифат манбаига айланди. Muslima.islom.uz номи билан очилган ушбу бўлим тез кунда ўз мухлисаларига эга бўлди, мақолаларнинг мавзуси, кўлами ва қамрови кенгайиб борди. Порталдаги бу каби рукнлар алоҳида сайт шаклида ажралиб чиқа бошлагач, 2007 йил 30 сентябрь куни muslimaat.uz номи билан рўйхатдан ўтказилди.

Muslimaat.uz сайти порталимиз сайтлари ичида ўзига хос ташқи кўриниши, хилма-хил маълумотлар базаси ва фойдаланувчилар сонининг кўплиги билан ажралиб туради. Сайтимиз диёримиз аёл-қизлари учун ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган маърифий интернет-ресурс ҳисобланади. Унда Қуръон ва Суннат, динимиздаги ақийда, фикҳ ва бошқа илмларга оид илмий мақолалардан тортиб, юртимизда ва жаҳонда юз бераётган турли янгиликлар, хотин-қизларимизнинг кундалик ҳаётида зарур бўладиган рўзғор мактаби, пазандалиқ, уй юритиш ва гўзаллик сирларига доир маълумотларгача топиш мумкин.

Сайтимиз ижодий гуруҳи момоларимиздан мерос қолган миллий қадриятларимизга асосланган ҳолда маърифат зиёсини таратишда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Бугунги кунга келиб сайтимиз 8та асосий ва 50та кичик бўлимлардан иборат бўлиб, замон билан ҳамнафас ҳолда саҳифаларимизнинг фойдаланув-

чилар учун қулай, сермазмун ва манфаатли ахборот манбаи учун баҳоликудрат ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

Шу йилнинг 27 феввалида саҳифамизнинг дизайни ўзига хос янги кўринишга эга бўлди, унинг техник ва дастурий таъминоти янгиланди. Сайтимизга рамзий маънода нимпушти ранг танланди, унинг ишлаши тезлашди, маълумотларни қидириш осонлашди. Шунингдек, ойлар бўйича тартибланган мақолалар архиви бош саҳифага чиқарилди. Сайтга қўйилган янги мақолалар эса бош саҳифанинг марказий қисмида кўриниб туради.

Сайтимиз мухлисаларининг сони ортиб боргач, islom.uz порталининг форумидан андоза олган ҳолда, устозимиз Абу Муслим томонидан муслималар форуми ташкил қилиниб, forum.muslimaat.uz манзилига жойлаштирилди. Форум аъзолари ўзаро суҳбатлашиб, ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашиб, билим ва савияларини бойитишлари, кундалик ҳаётда дуч келаётган муаммолари юзасидан саволлар бериб, мутахассисларнинг жавобларидан фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги кунга келиб, форум аъзоларининг сони бир ярим минг кишидан ортиб кетди, сайтимизнинг facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифаси ҳам ўзбекзабон интернет сарҳадларида фаоллик кўрсатиб, 1800дан ортиқ фойдаланувчига хизмат кўрсатмоқда.

Азиз портал, islom.uzим ўн ёш сенга муборак!

*Интернет оламида бир сарой бўлдинг, islom.uz,
Солиҳ мўминлар динига чирой бўлдинг, islom.uz.
Лоҳас, ташна қалблардаги зулматни ёритгувчи
Осмонлар шамчироғи, мисли ой бўлдинг, islom.uz.*

*Мўминларга ойна бўлдинг, тўғри йўлни кўрсатиб,
Устоз бўлдинг толибларга, фойдали илм ўргатиб.
Замон билан бирга ўсдинг, дилларимиз қувнатдинг,
Пайти келганда нодонларни ҳам қўйдинг ўйлатиб.*

*Ошно бўлдик бу сайтлар силсиласига ҳар қадам,
Ростладик иймонимизни заифлашганда дам-бадам.
Тиним билмай меҳнат қилдинг, чарчамадинг бу йўлда,
Асқотдинг мусулмонларга, қуёш бўлдинг порлаган.*

*Лол қолдик гоҳо ҳаётда не қиларни билмайин,
Изладик сендан ечимни, жавоб топдик кун сайин.
Ўзи қўллар сени ҳар дам, Унинг марҳамати-ла,
Нурга чўмдинг, ҳар соҳада ишончли илминг тайин.*

*Ёшларга бўлгин насихат, катталарга бўл ўрнак,
Шу мақомда қолгин доим, Жаннатлардан бер дарак.
Дуоларда эслагаймиз, биз мухлислар ҳамиша,
Азиз портал, islom.uzим, ўн ёш сенга муборак!*

Ўзбек элининг фарзандига беиболиқ ордур,
Беҳаё ўзбек қизидан барча кимса безордур,
Ўзбегимнинг қизига muslimaat.uz даркордур,
Muslimaat.uz ўқийдиганлар сенга керакли ёрдур,
Ёри вафодор истасанг, muslimaat.uz излагил.

Зарнигор Аҳмадалиева
muslimaat.uzга мухаммас

media.islom.uz

QURAN.UZ

МУХДААИС

ISLOM.UZ

Muslimaat.uz

OILAM.UZ

hilol.com

slayrat.uz

info.islom.uz

FIQH.UZ

e-tarix.uz

e-adabiyot.uz

halol.org

arabic.uz

forum

tib.islom.uz